БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

№ 174

10 ОКТЯБРЬ ЯКШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

Илғор механик-ҳайдовчилар Бозорбой Норматов ва Василий Бибаров ўртоқлардан ўрнак олингиз!

☆ ☆ ☆

Бозорбой Норматов 50 тонна пахта терди

Бозорбой Норматов Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида бирнеча йилдан бери механик-ҳайдовчи бўлиб ишлайди. У пахта териш машинасидан ҳамавақт унумли фойдаланиб, йил сайин юқори кўрсаткичга эришмоқда. Бозорбой Норматов 1952 йилда 70 тоннадан ортиқ пахта териб механик-ҳайдовчилар ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиққан эди. Бу йил у мавсумда 120 тонна пахта териб беришга қарор қилди.

Бозорбой Норматов хизмат қилаётган «Қизил Октябрь» колхози машина блан пахта теришга далаларни ўз вақтида тайёрлади. Ғўза барглариг белгиланган муддатда дори сепилди. Сентябрь ойнинг учинчи ўн кунлиги бошларида далалардаги ғўзанинг барги бир текистда тўкилабошлади. Шу кезларда Бозорбой ўз машинасини далага олиб чиқди. Пахтакорлар моҳир механизаторни чин қалбларидан табрикладилар.

Пахта териш машинасининг бункери биринчи марта пахтага тўлганда Бозорбойнинг севинчи ичига сиғмай кетди. У ўзининг СХМ — 48 М машинасини ўват бошидаги махсус жойга келтириб тўхатди ва ричагини босди. Шолча устига пахта ғарами уюлди.

Бозорбой Норматов ишнинг қизғин палласида қўшни колхоздан хуш хабар эшитди:

— Будённий номли колхозда ишлаётган Василий Бибаров бир кунда 6 тонна пахта терипти...

Шунда Бозорбой ўз касбдошининг ишидан мамнун бўлди ва, «мен ҳам унга тенглашаман» деб аҳд қилди. Шу кундан бошлаб Бозорбойнинг машинаси яна тез унум блан ишлайбошлади. У бир минут вақтни ҳам бекор кетказмасликка ҳаракат қилди. Василий Бибаров 6 тонна пахта терган кун эртасига Бозорбой 5 тоннадан ортдириб пахта терди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти моҳир механизатор Бозорбой Норматовнинг тобора кўпроқ пахта тераолиши учун барча имкониятни яратиб бердилар. Агрегат сув ташучи ва терилган пахтани ўз вақтида бўшатиб олиб, хирмонга етказиб беручи киши блан та'минланди. Барча қулайликларга эга бўлган Бозорбой ана шу ғамхўрликларга жавобан тобора унумлироқ ишлашга ҳаракат қилаётир.

Бозорбойнинг мусобақадоши Василий Бибаров 5 октябрьгача 60 тонна пахта терган бўлса. Бозорбой ҳам унга етишай деб қолди. Унинг кечаги куни терган пахтаси қўшилса, ҳаммаси бўлиб 50 тоннани ташкил этади.

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида ишлаётган Бозорбой Норматов, шу райондаги Будённий номли колхозда хизмат қилаётган Василий Бибаровлар социалистик мусобақани кун сайин кучайтириб, кўпроқ пахта териб бериш учун курашмоқдалар. Ҳар иккала механизатор ўзларининг 120 тонна пахта териш тўғрисидаги мажбуриятларини шараф блан бажариш учун ҳормай-толмай курашмоқдалар. Улар бошқараётган машиналар ҳамавақт тўхтовсиз ва юқори унум блан ишламоқда.

Мамлакатга кўпроқ пахта етказиб бериш ҳисси блан тўлиб-тошган Бозорбой Норматов, Василий Бибаровларнинг мақсади — 25 октябрьгача 120 тоннадан пахта териб беришдан иборатдир.

Илғор механик-ҳайдовчилар Бозорбой Норматов ва Василий Бибаров ўртоқлардан ўрнак олингиз!

Василий Бибаров 60 тонна пахта терди

Василий Бибаровнинг номини Чиноз районида, айниқса Будённий номли колхозда ҳамма ҳурмат блан тилга олади. У, бу ҳурматга фидокорона меҳнат қилиш туфайли эришди.

Донгдор механизатор ўртоқ Бибаров хизмат қилаётган Будённий номли колхоз ўтган йилларда пахта йиғим-теримида кечикиб қолиб, планни бажараолмас эди. Чунки бу колхозда ишчи кучи анча кам бўлиб, дала ишларини ўз вақтида ўтказиш учун улгураолмас эди. Ўртоқ Бибаров ва унинг касбдошлари ана шуни ҳисобга олиб, колхозга механизация ёрдами беришни ҳартарафлама кучайтирдилар. Механизаторларнинг социалистик мусобақасида Василий Бибаров олдинда кетаётир. У, теримнинг дастлабки кунлариданоқ сур'атни оширабориб кўп ва юқори сифатли пахта теришга эришаётир. Ўртоқ Бибаров 5 октябрьгача 60 тонна пахта терди. Шу блан у, мавсум нормасини шараф блан бажарди.

Мавсумда 120 тонна пахта териш мажбуриятини олган донгдор механизатор шу кунларда янада ғайрат блан меҳнат қилмоқда.

Чиноз районидаги бошқа колхозларда хизмат қилаётган механизаторлар ҳам Василий Бибаровдан намуна олмоқдалар. Сталин номли колхозда ишлаётган Эргаш Райимқулов ҳозиргача 25 тонна пахта териб берди. Илғор механик-ҳайдовчи В. Бибаровнинг иш тажрибаси район механизаторлари ўртасида кенг ёйилаётир.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 9 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Мирзачўл	2,50	50,19	Бекобод	1,48	32,15
Сирдар'ё	2,38	48,57	Бўка	1,80	32,00
Гулистон	1,93	45,59	Пискент	1,66	30,90
Верхне-волинск	2,13	45,25	Оҳангарон	1,78	30,28
Оржоникидзе	2,18	39,84	Янгиўл	1,79	28,97
Юқоричирчиқ	2,01	39,41	Октябрь	1,54	28,42
Калинин	1,71	38,65	Ўртасарой	1,42	27,57
Чиноз	1,81	35,62	Ўртачирчиқ	1,26	27,32
Оққўрғон	2,03	34,85	Паркент	1,59	21,59
Ховос	1,83	33,40	Қўйичирчиқ	1,55	21,12

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 9 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Совхозларнинг номи	Бир кунда усиш	Мавсум бошидан бери	Совхозларнинг номи	Бир кунда усиш	Мавсум бошидан бери
«Малик»	2,91	48,89	Учинчи «Дальварзин»	1,65	29,94
Сталин номли 16-совхоз	2,80	37,91	Сталин номли 17-совхоз	2,06	27,31
Биринчи «Дальварзин»	1,56	35,69	Иккинчи «Боёвут»	20,8	27,03
Иккинчи «Дальварзин»	1,62	32,85	Тўртинчи «Боёвут»	1,80	23,65
Учинчи «Боёвут»	1,48	32,54	«ЎзССР бешйиллиги» совхози	1,55	21,12
Биринчи «Боёвут»	2,06	30,40			

Қишлоқ райкомининг раҳбарлик иш услубини тинмай такомиллаштирайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — жамиятимизнинг буюк ташкилотчи ва етакчи кучидир. Партия ўзининг ғоят катта ташкилотчилик ишлари блан совет кишиларининг бутун кучини бирлаштирмоқда ва бу кучни умумий мақсад сари — коммунизм қуриш сари бошлаб бормоқда. Партиядан, унинг доно сиёсатидан илҳомланган мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия теварагига тобора маҳкам жипслашмоқдалар, зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш блан КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини амалга оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумларининг қарорларида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришнинг конкрет программаси чизиб берилган. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш методларини янада яхшилашни, қишлоқ райкомларининг раҳбарлик иш услубини тинмай такомиллаштириб боришни талаб этади. Колхозларга, МТСларга ва совхозларга ҳозир қарқачонгидан ҳам кўра конкрет равишда, моҳирлик блан, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш керак. Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик савиясини оширмасдан, қишлоқда партия кучларини тўғри жойлаштирмасдан ва партиявий-ташкилий ишни ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтармасдан туриб колхоз, совхоз ва МТСларга жонли, конкрет ва оператив раҳбарликни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Областимиздаги кўпчилик қишлоқ район партия комитетлари КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини бажариш учун курашиб, ўз ишларини қайта қуриб олдилар, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик савиясини бирмунча яхшиладилар, давлат ва хўжалик ишларига раҳбарлик методларини такомиллаштирмоқдалар.

Сирдар'ё район партия комитети (секретари ўртоқ Каримов) Пленум қарорларидан кейин э'тиборни омма орасида ташкилий иш олиб боришга, жойлар блан жонли алоқани мустаҳкамлашга ва партиявий раҳбарликни бевосита колхоз ишлабчиқаришига яқинлаштиришга қаратди. Райком томонидан бошланғич партия ташкилотларига қилинадиган раҳбарлик анчагина конкрет ва амалий бўлиб қолди. Райком секретарьлари ва инструкторлар ўзларининг кўпчилик вақтларини қишлоқда — коммунистлар ва колхозчилар орасида ўтказмоқдалар ва хўжалик ишларини сиёсий ишлар блан бир-бирига тўғри боғлаб олиб боришда колхоз партия ташкилотларига ёрдам бермоқдалар.

Партиявий раҳбарликни колхоз ишлабчиқаришига яқинлаштириш райком ходимларининг ҳарбир қишлоқ хўжалиги артелининг ишлари блан пухта шуғулланишларига имкон берди. Улар қишлоқ хўжалик мутахассислари блан биргаликда колхозларнинг правлениеларига ва партия ташкилотларига жамоат хўжалигини ривожлантиришнинг перспектив планларини тузишда ёрдам қилдилар. Бошланғич партия ташкилотлари колхоз экономикаси масалаларини чуқурроқ ўрганабошладилар. Қишлоқда оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлари сезиларли равишда жонланди. Ташкилий ва сиёсий ишлар кучайтирилганлиги туфайли Сирдар'ё районидаги колхозлар пахта йиғим-теримини анча дуруст уюштирдилар. Бу район мавсум бошидан бери пахта тайёрлашда илғорликни қўлга бермаётир, давлатга кунига 2 процент ва ундан ошириб пахта топширмоқда.

Шу блан бирга ўзларининг ишларини тамомила қайта қуриб олмаган, қишлоқ хўжалигига ҳали ҳам эски усул блан раҳбарлик қилаётган, ташкилий-сиёсий иш даражаси ҳали турмуш талабларидан, партия томонидан қўйилаётган юксак вазифалардан кейинда қолаётган ба'зи бир қишлоқ райкомларининг борлигини ҳам та'кидлаб ўтиш керак.

Область партия комитетининг бюроси Оҳангарон район партия комитетининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги нотўғри иш услубини, райком ишида колхоз ва МТСларга раҳбарлик қилишда зарарли, бюрократик практика юз берганини ҳамда райком секретарьлари Зияев ва Дрягин ўртоқларнинг етарли ташаббус кўрсатмай ишлаётганликларини ўз вақтида кўрсатиб ўтган эди. Ана шундан кейин ҳам райкомнинг иш услубида жиддий ўзгариш бўлмади деб айтиш мумкин. Райкомнинг бюро а'золари колхоз ва МТСларнинг ишларини яхшилаш зарурлиги тўғрисида кўп гапириш блан кифояланиб, ҳали ҳам омма орасида колхоз ишлабчиқаришини ривожлантириш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни бажаришга қаратилган чинакам ташкилотчилик ишларини олиб бормаётирлар. Райкомнинг ишида жуда чуқур томир ёйган мажлисбозлик практикаси, кераксиз қоғозбозлик омма орасида жонли ташкилий иш олиб боришга имкон бермаётир. Район партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотларининг колхоз раҳбарларини бўлмағур сабаблар блан ҳа деб район марказига чақираберіши йиғим-терим ишларининг сур'атини орқага сурмоқда.

Райком секретари ўртоқ Зияев ҳамма ишни якка ўзи бажармоқчи бўлади, кўпгина масалаларни ўз билганича ҳал этиб, район партия комитети бюроси а'золарини бундан хабарсиз қолдиради, топширилган иш юзасидан улардан жавобгарлик талаб қилмайди. Шунинг учун ҳам бюро а'золарининг кўпчилиги қабул қилинган қарорнинг тақдири блан қизиқмайдилар.

Оҳангарон район партия комитетининг яроқсиз иш услуби районда қишлоқ хўжалик ишларининг кечикишига та'сир қилмоқда, совет ва хўжалик органларининг активлиги ва жавобгарлигини пасайтирмоқда. Районда пахта йиғим-теримининг жуда кейинда қолаётганлигига, чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрилмаётганлигига ҳам сабаб шу.

Социалистик қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашда қишлоқ район партия комитетларининг роли ғоят катталигидир. Қишлоқ райкомлари — сиёсий раҳбарлик органларидирлар. Улар қишлоқ хўжалигини тез ривожлантириш тўғрисида партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни муваффақият блан амалга оширмоқ учун колхоз, совхоз ва МТСларга раҳбарлик қилишдаги канцелярячилик-бюрократик методни йўқотиб, жонли алоқани мустаҳкамлашлари, ҳаётни яхши билишлари, топширилган иш учун ходимларнинг жавобгарлигини оширишлари керак. Омма орасида жонли ташкилий иш олиб бориш, колхозларга, МТСларга ва совхозларга амалий ёрдамни кучайтириш, қоғозлар ва турли ҳисоботлар юбортиришни камайтириб, чиқарилган қарорларнинг ижросини ўз вақтида текшириб туриш — райкомларнинг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги асосий вазифасидир.

Областимизда пахта йиғим-терими қизғин давом этаётган ҳозирги ҳал қилучи, мас'улиятли кўнларда райкомларнинг партия раҳбарлиги усулларини тобора такомиллаштириш, партия ташкилотларининг иш савиясини янада юқори даражага кўтариш жуда катта аҳамиятга эгадир. Вазифа шундан иборатки, бутун куч ва маданий-техника воситаларини пахта йиғим-теримига тўла сафарбар қилиб, пахта тайёрлашдаги қолоқликни тезда тугатишимиз, қарқандай шароитда бўлса ҳам бу йил давлатга 500 минг тонна пахта топшириш ҳақидаги мажбуриятни сўзсиз бажаришимиз керак. Партия ташкилотлари, барча коммунистлар бу вазифани бажаришда чинакам ташкилотчи ва ташаббускор бўлишлари, колхозчилар, совхоз ишчилари ва МТС ходимлари ўртасида социалистик мусобақани кенг йўлга қўйишлари лозим. Ҳозир ҳарбир коммунистнинг ҳулқи ва ишига даставвал унинг пахта йиғим-теримида қандай иштирок этаётганлигига, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бу улуғ ишда ўзининг авангардлик ролини қандай бажараётганлигига қараб баҳо бериш керак.

Колхоз, совхоз ва МТС бошланғич партия ташкилотларини бутун чоралар блан мустаҳкамлаш, уларга амалий масалаларни ҳал қилишда, омма орасида сиёсий иш олиб боришда ёрдам бериш — район партия комитетларининг ҳозирги кундаги энг муҳим вазифасидир. Жонли ташкилий иш — қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда асосий шартдир. Шунинг учун одамларни жойлардан ҳадеб чақириб келтирабермай, балки жойларга бориб туриш, МТСлар, колхоз ва совхозларда тез-тез бўлиш, уларга ишни ташкил қилишда амалий ёрдам бериш керак.

Партиявий иш — ижодий ишдир, партия ишида ма'муриятчиликка, расмиятчилик ва юзакичиликка йўл қўйиб бўлмайди. Ма'муриятчилик қилиш — ишга зарар етказади, партия ташкилотларининг етакчилик ва ташкилотчилик ролини пасайтиради, омма блан алоқасини сусайтиради. Партия аппаратида ишловчи ҳарбир ходим ма'муриятчилик, расмиятчилик ва сансалорликка мутлақо йўл қўймаслиги, партия ишларини ижодий ташаббус ва иштиёқ блан бажариши, амалий иш жараёнида учрайдиган ҳарқандай қийинчиликларни ўз вақтида енга бориши керак. Партия ва давлат олдида софдил ва ростгўй бўлиш, мағрурланмаслик — ҳарбир партия ходимининг асл хусусиятидир. Партиявий-сиёсий ишларни хўжаликка раҳбарлик қилиш блан бирга қўшиб олиб бориш сан'атини, ленинча-сталинча сиёсий раҳбарлик қилиш услубини қунт блан ўрганиш — партияли ҳарбир раҳбарнинг шарафли бурчидир.

Партия ташкилотларининг омма орасида олиб борадиган ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг савиясини янада оширайлик, қишлоқ район партия комитетларининг раҳбарлик иш услубини тинмай такомиллаштириб борайлик!

ОКТЯБРЬ ОЛДИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

Пландан ташқари маҳсулот

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун Тошкентдаги каноп фабрикасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ишлабчиқаришга илғор иш методларини жорий этиш йўли блан йил бошидан бери бир ме'ёрда ишлаётган фабрика коллективи 9 ойлик планни муддатидан илгари бажариб, пахтакор колхоз ва совхозлар учун қўшимча 80 минг дона қоп-қанор тайёрлаб берди. 9 ой мобайнида 150 минг сўмликдан ортиқ хомаш'ё тежалди, маҳсулотнинг таннархи пландагига нисбатан 179 минг сўм камайтирилди.

Юбилей шарафига фидокорона меҳнат қилаётган 100 дан ошиқ ишчи смена нормаларини бирярим-икки баравар ошириб бажармоқда. Тўқучилардан Каюпова, Муковнина, Перевертайло каби ўртоқлар нуқул а'ло сифатли маҳсулот бермоқдалар.

Фабриканинг меҳнатсевар ишчилари йиллик программани муддатидан олдин тўла-тўкис бажариб, пландан ташқари 100 минг метр каноп газлама бериш, 10 тонна тола, 8 тонна ёқилғи тежаш мажбуриятини олиб, ғайрат блан ишламоқдалар.

Ж. МАҲМУДОВ.

9 ойлик план муддатидан илгари бажарилди

«Ўзбекуголь» трестининг кончилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллигини муносиб совғалар блан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Трест кончилари ишлабчиқаришда юқори кўрсатгичларга эришиб, 9 ойлик давлат программасини 24 сентябрьдан ошириб блан бажарди ва пландан ташқари бирнеча минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. Бу давр ичида ишчиларнинг меҳнат унуми 2,7 процент ошди, кўмирнинг таннархи анча камайтирилди.

Трестнинг очиқ кон разрези коллективи социалистик мусобақани кенг қизитиб юборишлари натижасида тўққиз ойлик планларини муддатидан 8 кун илгари бажарди. Разрезда 5 йилдан буён ишлаб келаётган экскаватор машинисти М. Султонбеков техника соҳасидаги билимини кун сайин, ҳартомонлама мустаҳкамлаб, вагонларга бир сменада 820 тонна ўрнига 1300—1400 тоннадан кўмир ортиб, бошқаларга намуна бўлмоқда.

Ўртоқ М. Султонбековнинг муваффақиятларидан рухланган экскаватор машинистларидан Ибрагимов, Стукач, Деляшев ва бошқа ўртоқлар ҳам кундалик нормаларини 120-125 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Я. ТУХТАЕВ,

Ф. ПЕТРОВ.

УЗБЕКИСТОН ССР ҲУКУМАТИ ЯПОНИЯ ИҚТИСОДИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Японияг Иқтисодий делегациясининг Ўзбекистонга келганлиги муносабати блан Ўзбекистон ССР Ҳукумати 9 октябрьда қабул маросими ўтказди. Қабул вақтида республика Министрлар Советининг мас'ул ходимлари, министрлар ва уларнинг ўринбосарлари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси У. Ю. Юсупов ва Япония Иқтисодий делегациясининг бошлиғи — Япония Ташқи ишлар Министрлигининг маслаҳатчиси Нобухико Усиба нутқ сўзладилар.

Делегация а'золарига ўзбек миллий кийимлари тақдим қилинди.

Қабул вақтида Ўзбекистон пойтахтидаги энг яхши артистлари томонидан катта концерт берилди.

Қабул самимий ва дўстона вазиятда ўтди. (ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-текшириш муассасаларининг фан ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 17 ноябрьдаги Фармонига мувофиқ, кўпйиллик ва самарали ишлари учун **мукофотлансинлар:**

ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН

1. **Бочанцева** Зинаида Петровна — биология фанлари кандидати, Ботаника боғининг бўлим мудири.
2. **Кимберг** Николай Васильевич — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Тупроқшунослик институтининг бўлим раҳбари.
3. **Паройская** Мария Иосифовна — биология фанлари кандидати, Ботаника институтининг старший илмий ходими.
4. **Романовский** Всеволод Иванович — физика-математика фанлари доктори, Фанлар академиясининг бўлим раиси.
5. **Русанов** Федор Николаевич — биология фанлари доктори, Ботаника боғининг директори.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БЛАН

1. **Буригин** Вадим Анатольевич — биология фанлари кандидати, Ботаника институтининг лаборатория мудири.
2. **Бутков** Александр Яковлевич — биология фанлари кандидати, Ботаника институти директорининг ўринбосари.
3. **Галкина** Галина Владимировна — химия фанлари кандидати, Химия институтининг старший илмий ходими.
4. **Житов** Константин Евлампиевич — тарих фанлари кандидати, Фанлар академиясининг вице-президенти.
5. **Зокиров** Қодир Зокирович — биология фанлари доктори, Ботаника институтининг директори.
6. **Зоҳидов** Теша — биология фанлари доктори, Фанлар академиясининг президенти.
7. **Канцепольский** Иосиф Самойлович — химия фанлари кандидати, Химия институтининг лаборатория мудири.
8. **Крилов** Михаил Михайлович — геология-минералогия фанлари доктори, Геология институтининг старший илмий ходими.
9. **Муравьева** Наталия Тимофеевна — биология фанлари кандидати, Тупроқшунослик институтининг старший илмий ходими.
10. **Панфилова** Татьяна Сергеевна — биология фанлари кандидати, Ботаника институтининг старший илмий ходими.
11. **Петров** Николай Петрович — геология-минералогия фанлари кандидати, Геология институтининг лаборатория мудири.
12. **Ўразбоев** Муҳаммад Тошевич — техника фанлари доктори, Иншоотлар институтининг директори.
13. **Хўжаев** Ғани — химия фанлари кандидати, Химия институтининг лаборатория раҳбари.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БЛАН

1. **Абдуллаев** Хабиб Муҳаммедович — геология-минералогия фанлари доктори, Фанлар академиясининг бўлим раиси.
2. **Васильев** Анатолий Алексеевич — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Қишлоқ хўжалик институтининг старший илмий ходими.
3. **Головченко** Семен Гаврилович — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Ботаника боғининг бўлим мудири.
4. **Эшонов** Отабой — юридик фанлари доктори, Тарих ва археология институтининг бўлим мудири.
5. **Мавлонов** Ғани Орифхонович — геология-минералогия фанлари кандидати, Геология институтининг лаборатория мудири.
6. **Минакова** Нина Евгеньевна — геология-минералогия фанлари кандидати, Геология институтининг лаборатория мудири.
7. **Михайлов** Борис Дмитриевич — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Қишлоқ хўжалик институтининг старший илмий ходими.
8. **Сушкевич** Тамара Ивановна — химия фанлари кандидати, Химия институтининг старший илмий ходими.
9. **Черниловская** Антонина Ивановна — химия фанлари кандидати, Химия институтининг старший илмий ходими.
10. **Юнусов** Адҳам Юнусович — биология фанлари доктори, Фанлар академиясининг академик секретари.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

1. **Байкова** Наталья Борисовна — тарих фанлари кандидати, Тарих ва археология институтининг старший илмий ходими.
2. **Бородулина** Анна Аркадьевна — биология фанлари кандидати, Қишлоқ хўжалик институтининг старший илмий ходими.
3. **Жукова** Евгения Адриановна — Геология институтининг младший илмий ходими.
4. **Зайчиков** Андрей Захарович — Тупроқшунослик институтининг младший илмий ходими.
5. **Иброҳимов** Собиржон — филология фанлари кандидати, Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг старший илмий ходими.
6. **Исомуҳаммедов** Эргаш Мусаевич — геология-минералогия фанлари доктори, Геология институтининг лабораторія раҳбари.
7. **Кабанов** Сергей Кузьмич — тарих фанлари кандидати, Тарих ва археология институтининг младший илмий ходими.
8. **Костин** Валерьян Павлович — биология фанлари кандидати, Зоология ва паразитология институтининг старший илмий ходими.
9. **Муқимов** Суннатулла — химия фанлари кандидати, Химия институтининг лаборатория раҳбари.
10. **Муродбеков** Еқуб Муродбекович — биология фанлари кандидати, Зоология ва паразитология институтининг лаборатория мудири.
11. **Мякинченко** Михаил Игнатьевич — Химия институтининг младший илмий ходими.
12. **Пенина** Федосья Матвеевна — Ботаника боғининг лаборанти.
13. **Прогрессов** Николай Николаевич — химия фанлари кандати, Химия институтининг старший илмий ходими.
14. **Саакянц** Кнара Багратьевна — Геология институтининг младший илмий ходими.
15. **Содиқов** Обид Содиқович — химия фанлари доктори, Фанлар академияси Президиумининг а'зоси.
16. **Сидякин** Георгий Петрович — Химия институтининг младший илмий ходими.
17. **Султонов** Абдулла Султонович — химия фанлари кандидати, Химия институтининг лаборатория раҳбари.
18. **Усмонов** Аҳмад Усмонович — биология фанлари кандидати, Ботаника боғининг бўлим мудири.
19. **Чеврениди** Софокл Харлампович — Ботаника институтининг младший илмий ходими.
20. **Шаповалова** Лина Ефимовна — Тупроқшунослик институтининг старший лаборанти.
21. **Шевченко** Александра Ивановна — Геология институтининг младший илмий ходими.
22. **Юнусов** Собир Юнусович — химия фанлари доктори, Фанлар академиясининг вице-президенти.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИҒИ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

1. **Козолупов** Николай Васильевич — Тарих музейининг младший илмий ходими.
2. **Рожановский** Станислав Юлианович — Ботаника институтининг младший илмий ходими.
3. **Хусаинова** Зубайда — Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг старший лаборанти.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1954 йил 8 октябрь.

Аҳолига кўплаб юқори сифатли маҳсулот етказиб берамиз!

Тошкент ва Янгийўл консерва заводларининг коллективлари Октябрьолди социалистик мусобақасига қўшилиб, ўз мажбуриятларини ошириб бажариш учун курашмоқдалар

☆

КОММУНИСТЛАР АВАНГАРД

Завод партия ташкилоти корхонада меҳнат унумини ошириш ҳамда тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини камайтиришга алоҳида э'тибор бермоқда. Завод коммунистлари илғор ишчилар тажрибасига таянган ҳолда коллектив ўртасида ишлабчиқариш технологиясини янада такомиллаштириш ва шу асосда тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатли ва мазали бўлиши учун системали кураш олиб бормоқдалар.

Коллективимиз Янгийўл шаҳридаги консерва заводи коллективи блан бирнеча йилдан бери мусобақалашиб келади. Завод ма'мурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари коллективнинг талабасини та'минлаш мақсадида корхонадаги барча цех, участка ва сменаларни социалистик мусобақага жалб қилди. Бу мусобақада коммунистлар ва комсомоллар смена топшириғини доимо ортиғи блан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар, мусобақада авангардлик ролини ўйнамоқдалар.

КПСС а'зоси технолог Мунира Ғиёсова раҳбарлигидаги смена а'золари, айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу смена ишчилари топшириқни доимо бирярим-икки ҳиссадан бажариб келмоқдалар. Коммунистлардан механик А. Сагулин, токарь З. Волов, шофер И. Сорокин ўртоқлар зўр ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Партия ташкилоти корхонадаги илғор ишчиларнинг прогрессив иш методларини коллектив ўртасида кенг оммалаштириш мақсадида завод касаба союз ташкилоти блан биргаликда ишлабчиқариш кенгашларини мунтазам тарзда ўтказиб турибди. Бу кенгашларда илғор ишчилар ўзларининг тажрибалари блан ўртоқлашмоқдалар.

Ишчиларнинг техника билимларини ошириш ҳам алоҳида этибор бермоқдамиз. Корхонада технік ходимларнинг бир ойлик курси ташкил этилди. Бундан ташқари ишчиларнинг малакасини ошириш 15 кунлик курси ҳам мунтазам ишлаб турибди. Бу курсларда ишчилардан ёрдамчи лаборантлар тайёрланаётир.

М. ВИТЛИНСКИЙ,

Тошкент консерва заводи партия ташкилотининг секретари.

МЕНИНГ ҚАСБИМ

Мен 5 йилдан бери Тошкент консерва заводида ишлайман. Авваллари мен одий ишларни бажариб юрдим. Лекин орадан кўп ўтмай тайёрловчилик касбига жуда қизиқиб қолдим. Бўш вақтларимда тайёрлов аппаратини бошқариш йўлларини ўрганиб бордим. Цех бошлиғи, мастерлар ва дўстларим менинг бу орзумни амалга оширишда яқиндан ёрдам бердилар. Натижада кўп ўтмай малакали ишчи бўлиб етишдим.

Яқинда Одесса шаҳридаги М. И. Калинин номли машинасозлик заводининг коллективи бизга янги аппарат совға қилиб юборди. Завод ма'мурияти бу аппаратни бошқаришни менга топширди.

Янги аппаратни бошқариш ва илғор иш методларини ўрганиш мақсадида бирнеча ўртоқларим блан бирга Фарғона шаҳридаги консерва заводига бориб келдим. У ерда мен тунука банкаларга маҳсулот жойлаш ва бунга алоқадор бўлган иш процессларини ўрганиб қайтдим.

Ўрганиб келган илғор иш методларини қўлланиб ишлаш натижасида шу кунларда смена топширигини систематик равишда 160 — 180 процентга етказиб бажармоқдаман. Шунингдек, дугоналарим Настя Мукова, Ася Татаркина, Нюра Шуниналарга ўз тажрибаларимни ўргатмоқдаман.

Илгарилари томат ва бошқа маҳсулотларни тунука банкаларга солинмас эди. Ҳозир бу маҳсулотларни ана шундай банкаларга жойламоқдамиз. Бундай қилинганда маҳсулот узоқ вақт бузилмасдан яхши сақланади.

Мен бундан кейин ҳам унумли ишлаб, Улуғ Октябрь байрамини ва республикамизнинг 30 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қиламан.

Т. НИЗОМХУЖАЕВА,

Тошкент консерва заводининг ишчиси.

☆ ☆

Областимизнинг саноат корхоналари коллективлари ўртасида шу кунларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 37 йиллиги ва Совет Ўзбекистонининг 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Областьдаги завод ва фабрикаларнинг ишчилари, хизматчилари ҳамда инженер-технік ходимлари бу шодиёна кунлар шарафига ўз зиммаларига янги, оширилган мажбурият олиб, меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар ва янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Тошкент консерва заводи областимиздаги илғор саноат корхоналаридан биридир. Завод ишчилари, инженер-технік ходимлари мамлакатимиз меҳнаткашларига тобора кўпроқ юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш мақсадида Янгийўл консерва заводи коллективи блан бирнеча йиллардан бери мусобақалашиб келмоқда. Бу мусобақа корхоналарнинг ички резервларидан янада унумли фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаб, унинг таннархини камайтиришда жуда катта роль ўйнамоқда.

Газетамизнинг бугунги сонида Тошкент ва Янгийўл консервачларининг байрамолди меҳнат вахтасида туриб, қўлга киритаётган ютуқлари ҳақидаги материалларни э'лон қилаётирмиз.

Ички резервлардан янада унумли фойдаланамиз

Заводимиз коллективи Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг аҳоли кенг исте'мол қиладиган молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш ҳақидаги тарихий қарорларига амал қилиб, ўтган ойлар ичида бирмунча муваффақиятларни қўлга киритди.

Яқин вақтларгача заводимиз коллективи давлат топшириқларини ялпи маҳсулот бўйича бажарса ҳам, маҳсулотларнинг ассортименти бўйича берилган планни бажармай келарди. Айниқса, а'ло сифатли маҳсулотлар ишлабчиқариш топшириғи кўпинча бажарилмай қоларди.

Биз бу камчиликларни бартараф қилиш учун меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини камайтириш ҳақидаги масалани цехларда ҳамда корхонанинг ишчилари, инженер-технік ходимларининг ишлабчиқариш кенгашларида ҳартомонлама кенг муҳокама қилдик ва заводимизни илғор корхоналар қаторига олиб чиқиш тадбирларини белгиладик. Мамлакатимиз меҳнаткашларига кўплаб юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш мақсадида корхонадаги ишлабчиқариш технологіяси процессларини янада такомиллаштириб, меҳнатни ташкил этишни яхшилашга қаратилган бирқанча ташкилий-техника тадбирларни амалга оширдик.

Ма'лумки, машиналарни такомиллаштириб бориш, станок, агрегат ҳамда аппаратларни ҳартомонлама қулай ва ихчам жойлаштириш ҳамда уларни бекор туриб қолишига йўл қўймаслик — меҳнат унумини тобора ошириб боришнинг ва шу асосда мавжуд ишлабчиқариш майдонидан янада кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидандир. Заводимиз инженер-технік ходимлари илғор, новатор ишчилар блан ҳамкорлікда ишлаб, бу соҳада бирмунча муваффақиятларни қўлга киритдилар. Масалан илгарилари мева цехида поток методи йўқ эди ва бу ўз навбатида меҳнат унумини оширишга халал берар эди. Маҳсулот жойланадиган банкалар қўлда ташилар эди. Ҳозир биз бу ишларнинг ҳаммасини автоматлаштирдик. Шунингдек, мева цехи реконструкция қилиниб, меваларни ювиш бўлими анча кенгайтирилди. Барча тайёрлов ишларини бир ерга марказлаштириб, цехга лентали транспортер ўрнатдик. Натижада, бўш банкаларни ҳамда маҳсулот жойланган банкаларни бошқа бўлимларга ўтказиш иши тўла автоматлаштирилди. Мураббо ишлабчиқаришни кўчайтириш учун варенье бўлимини кенгайтириб, маҳсулот тайёрлаш технологиясини бирмунча ўзгартирдик.

Юқоридаги амалга оширилган тадбирларнинг ҳаммаси ўзининг ижобий натижаларини беробошлади. Мураббо ва джем тайёрлаш бўйича берилган 6 ойлик план 272 процентга етказиб бажарилди. Маҳсулотнинг бошқа турлари бўйича ҳам давлат плани ошириб бажарилди.

Коллективимиз қўлга киритилган дастлабки муваффақиятларни мустаҳкамлаш мақсадида ички имкониятлардан янада унумли фойдаланиб, астойдил меҳнат қилди. Натижада 1954 йилнинг 7 ойлик плани 160 процентга етказиб бажарилди ва Янгийўл шаҳар консерва заводи коллективи блан бўлган мусобақада ғолиб чиқдик. Шунингдек 9 ойлик план ҳам муддатидан илгари бажарилди. Корхонанинг илғор ишчиларидан кўплари ўзларининг фидоюрона меҳнатлари учун шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилдилар.

Биз маҳсулот ишлабчиқаришни янада ошириш, унинг хилларини кўпайтириш учун қўшимча равишда бирқанча тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Жўмладан, яқинда завод коллективи томат-паста ҳамда олма соклари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди, томат соклари тайёрлаш процесслари ҳам бирмунча такомиллаштирилди. Нобудгарчиликни минимум камайтириш мақсадида тайёр маҳсулотларни бочкаларга эмас, балки тунука банкаларга жойлаштирабошладик. Бу, маҳсулот сифатини яхшилади ва унинг таннархини арзонлаштирди.

Меҳнатсевар коллективимиз шу кунларда Улуғ Октябрь социалистик революцияси 37 йиллиги ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ҳарқачонгидан ҳам унумли ишламоқда. Биз бундан кейин ҳам ички резервлардан янада унумли фойдаланиб ишлаймиз ва 1954 йил учун белгиланган давлат планини муддатидан илгари бажариш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Я. ЛЕЙТМАН,

Тошкент консерва заводининг бош инженери.

☆

МАҚСАДИМИЗ ИУЛИДА

Цех ишчилари завод коллективининг Улуғ Октябрь революциясининг 37 йиллиги шарафига ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини шараф блан бажариш ишига муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Меҳнатсевар коллективимиз мавжуд ишлабчиқариш майдонини кенгайтирмасдан туриб, ҳарбир агрегатда меҳнат унумини ошириш орқали маҳсулот ишлабчиқаришни кўпайтириш учун курашиб, яхши натижаларга эришмоқда. Цех коллективи ярим йиллик топшириқни 177,1 процентга етказиб бажарди. Шунингдек 9 ойлик топшириқ ҳам муддатидан анча илгари бажарилди ва пландан ташқари аҳоли учун бирнеча ўн минг сўмлик турли хилдаги мева мурабболари, джем, повидло, соус, компот тайёрлаб берилди.

Ишчилар ва инженер-технік ходимларнинг фидокорона меҳнати натижасида ҳозир бир сменада цехимиз ўрта хисоб блан 18 минг банка маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу белгиланган нормадан анча ортиқдир.

Биз маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун мавжуд агрегатларни тинмай такомиллаштирмоқдамиз. Масалан, яқин вақтларгача банкаларни ювиш қўл кучи блан бажарилар; бу кўп вақт ва меҳнат талаб қилар эди. Цех токари Ўртоқ Гетун бу процессни механизациялаштирди. Натижада меҳнат унуми 7 марта ошди. Слесарь А. Агеев тайёр маҳсулотларни банкаларга жойлаштиришни такомиллаштирди ва меҳнат унумини икки ҳисса оширишга эришди.

Биз тайёрланаётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш учун лаборатория ходимларининг иштирокида вақт-вақтида блан кенгашлар ўтказиб турамиз. Бу кенгашларда ишлабчиқаришга таллуқли бўлган муҳим масалалар кенг муҳокама қилинади, ички резервлардан янада унумли фойдаланиш йўллари белгиланиб чиқилади.

Цех коллективининг мақсади битта — эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, севикли она-Ватанимизга кўплаб юқори сифатли маҳсулот етказиб беришдир.

Р. СТАФИЧУК,

Тошкент консерва заводи мева цехининг бошлиғи.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ

Заводимиз коллективининг қўлга киритаётган муваффақиятларида рационализатор ва ихтиро'чиларимизнинг ҳиссаси каттадир. Ўтган ойлар ичида корхонанинг ишчилари, хизматчилари ва инженер-технік ходимларидан меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган 20 га яқин таклифлар тушди. Бу таклифларни ишлабчиқаришга жорий қилиш натижасида давлатга катта фойда келтирилмоқда.

Холва цехининг мастери Михаил Кириллович Бахилов цехдаги асбоб-ускуналарнинг бетўхтов бир ме'ёрда ишлашини та'минловчи қимматли таклиф киритди. Унинг таклифини амалга ошириш натижасида цехнинг ишлабчиқариш қуввати икки баравар ошди ва йилига давлатнинг 100 минг сўмга яқин маблағини иқтисод қилиш имконияти туғилди.

Слесарь Алексей Николаевич Агеев тайёр маҳсулотларни автоматик суратда банкаларга жойлайдиган машина ихтиро' қилди. Агеев ихтиро' қилган машинани ишлабчиқаришга жорий қилиш натижасида маҳсулот сифати яхшиланади ва ҳар сменада 4 кишини бошқа ишга ўтказиш имконияти яратилади.

Шунингдек, электромонтёр Блинов, слесарь Бурчегонов ўртоқлар ҳам меҳнат унумини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, хомаш'ё ва ёрдамчи материалларни кўплаб иқтисод қилишга имкон беручи бирқанча таклифлар киритдилар.

Биз бундан кейин ҳам ишлабчиқаришга кўплаб янгиликлар киритамиз ва шу асосда меҳнаткашларга кўплаб юқори сифатли маҳсулотлар етказиб берамиз.

Г. ГРАНД,

Тошкент консерва заводининг БРИЗ секретари.

Бизнинг муваффақиятимиз

Заводимиз коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги ва республикамизнинг шонли юбилейини ишлабчиқаришда муносиб совғалар блан нишонлаш учун самарали меҳнат қилмоқда.

Корхонамиз пландан ташқари минглаб банка турли хил консерваларини тайёрлаб, мамлакатимизнинг қишлоқ ва шаҳарларига жўнатмоқда. Заводдаги цехлар ва бригадалар ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилганлиги натижасида ойлик ва квартал планлари доимо оширилиб бажарилмоқда.

Ярим йиллик давлат программасини 120 процент бажариб, шаҳар корхоналари ўртасида бошланган социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун завод коллективи шаҳар ижроия комитети ва шаҳар партия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Завод коллективи техника воситаларидан унумли фойдаланиб, 9 ой ичида меҳнат унумини ўтган йилга нисбатан 16 процент оширишга, маҳсулот таннархини 6 процент камайтиришга эришиб, пландан ташқари 200 минг сўмга яқин маҳсулот ишлаб берди.

Бизнинг сабзавот цехи коллективи август ойи топшириғини 128 процент ва сентябрь ойи программасини анча олдин бажариб, цехлараро социалистик мусобақада олдинда бормоқда.

Цехнинг С. Софина, А. Казакова, А. Алиева каби илғор ишчилари систематик равишда смена нормаларини 2 — 2,5 баробардан бажариб келмоқдалар.

Янгийўл консерва заводининг ишчилари ва инженер-технік ходимлари аҳолига а'ло сифатли маҳсулот етказиб бериш ва социалистик мусобақада ғолиб чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Э. ҲАЙДАРОВ,

Янгийўл консерва заводи сабзавот цехининг бошлиғи.

Мусобақадошлар

Смена мастери Нина Маслова ҳаркунги одати бўйича ярим соат илгари цехга кириб келди. Аввало, у элеватор ваннаси олдига ўюб қўйилган, олтиндай товланиб пишган нашватиларни кўздан кечирди. Кейин, қудратли агрегатлар ва ишчиларнинг иш жойларини айланиб чиқдида ўзича қаноат ҳосил қилди.

— Ҳаммаси жойида, энди гап ишчиларнинг ғайратига боғлиқ!...

Орадан кўп вақт ўтмади. Мевачилик цехи ишчилар блан тўлди. Саф тортиб турган агрегат ва машиналар гуруллаб ишга тушиб кетди... Бирнеча чаққон қизлар ҳалиги нашватиларни ювиб тозалаш мақсадида элеватор ваннасига тўкабошладилар.

— Хўш, Антонина, агрегат яхши ишлаяптими? — деб сўради, мастер элеватор ваннасини бошқараётган қизнинг олдига келиб.

— Жуда яхши, бугун кечагидан кўра кўпроқ маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қиламиз, — Антонина мастерга жавоб берар экан, бир зум бўлса ҳам ўз ишидан тўхтамади. У, қўлидаги асбоб блан сув юзидаги нашватиларни чайқар, уларни қийма қиладиган агрегатга ўтказиш учун лентали транспортёрга ҳайдар, унинг ҳаракати ва чехрасидан ўз ишидан мамнун эканлиги сезилиб турар эди.

Цехнинг нариги томонида ҳам иш сур'ати қизиб кетди, маҳсулот автоматик усулида агрегатлардан-агрегатларга ўтиб бориш блан цехдаги ҳаёт янада жонланабошлади. Банкаларга джем таҳсимловчи воронка ҳам ўз вазифасини бажаришга киришди.

Мана, цехнинг илғор ишчиси Моҳи Зуфарова. У ўз агрегати олдида. Унинг бармоқлари чаққон ҳаракат қилиб, джем қуйилган банкаларга қопқоқ ўрнатмоқда. Юзлаб банка маҳсулот унинг қўлидан чиқиб, дамлаш автоклавкасига жўнатилмоқда.

— Балли синглим, — деди унинг ҳаракатларини, кузатиб турган мастер Нина Маслова, — ғайратинг дуруст, қанча банка джем тайёрланди?

— Минг банка, — бу кечаги шу вақтгача тайёрланган маҳсулотдан икки юз банка ортиқ.

Мастер унинг жавобидан хурсанд бўлган ҳолда, бошқа агрегатда ишлаётганларнинг иш процессларини кўздан кечириш мақсадида автоклавка хонаси тамонга кетди. Смена иши тамом бўлгунга кадар цехдаги иш сур'ати бир темпда, самарали давом қилди. Кечга яқин корхонанинг бир группа илғор ишчилари Янгийўл шаҳридаги консерва заводига бориб, ўз мусобақадошларининг иш методлари блан танишиб қайтажаклари ма'лум бўлди.

Худди шу пайт цех бошлиғи Стафичук кириб келди.

Цех бошлиғи кўпчилик орасидан кимларнидир излайбошлади. Ҳу ана, донгдор мастер Нина Маслова. У агрегатларни айланиб, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатини, машиналарнинг ишлаш процессларини, термометр ва монометр стрелкалари кўрсатаётган рақамларни кузатиб юрибди. Цех бошлиғи унинг ёнига яқинлашди.

— Ўртоқ Маслова, деди у, қориш қозонларини текшираётган мастерга қараб, — Сиз эртага, соат 9 да Янгийўлга — мусобақадошлар олдига жўнайсиз.

Фақат бир ўзимми? — сўради Маслова.

— Йўқ, бизнинг цехдан сиз блан бирга Антонина Кузнецова ҳам боради. Завод бўйича эса, ўн киши борасизлар.

Шу орада завод гудоги хайқираб қолди, агрегатлар иккинчи смена ишчиларига топширилабошланди.

— Антонина, — деди Нина Маслова элеватор бошқаручиси Кузнецовага, — биз блан сен ҳам борар экансан. Эртага 9 да завод дарвозасида учрашамиз...

Мана, Янгийўл консерва заводининг кенг дарвозаси. Меҳмонларни корхонанинг бир группа ишчи ва хизматчилари, бош инженер Филипп Яковлевич, сабзавотчилик цехининг бошлиғи Эргаш Ҳайдаров, илғор бригада бошлиғи Сабиҳа Абдуллаевалар кутиб олишди. Меҳмонлар аввало завод территориясини айланиб, сайр қилдилар: гўзал аллеялар, турли-туман гуллар, ям-яшил дарахтлар гўзал паркни эслатар эди.

Бироздан сўнг, Филипп Яковлевичнинг таклифи блан меҳмонлар сабзавотчилик цехига йўл олдилар. Цехда турли хил сабзавотлардан консерва тайёрланмоқда, агрегатлар бир текис гуриллаб ишламоқда, соатига минглаб банка консервалар тайёрламоқда эди. Меҳмонлар, цехни айланиб, автоклавкалар ёнига яқинлашганларида Нина Маслованинг кўзи, четда турган бочкага тушди. Бу бочканинг нимага кераклигини сўраган эди, унга Эргаш Ҳайдаров жавоб берди:

— Ишингни пухта қил, унуми кўпаяди, деганларидек бу бочка эҳтиёт шартта қўйилган. Айрим вақтларда автоклавкаларда сув тиниб қолиши мумкин, бундай вақтларда банкалар куйиб кетиш хавфи остида қолади. Шунинг учун ҳам қўшимча сув йиғадиган мана шу бочкани ўрнатишга тўғри келди.

Филипп Яковлевич гапга аралашиб, цех бошлиғининг сўзларини қувватлади.

— Шу бочка ўрнатилгандан бери 16 минг сўмлик маҳсулот брак бўлишдан сақлаб қолинди. Ўртоқ Ҳайдаров ва мастеримиз ўртоқ Қамбаровларнинг бу таклифлари заводимизга кўп фойда келтирмоқда.

Меҳмонлар Ҳайдаровни ва унинг ёнида жилмайиб турган мастерни табриклашди:

— Биз ҳам, сизларнинг бу методингизни корхонамизда қўллаймиз, — дейишди меҳмонлар. Кейин, ўз рационализаторлари киритган таклифлар тўғрисида, жумладан, маҳсулот тортиш процессларини қисқартириш ҳақида мусобақадошларига сўзлаб бердилар.

Орадан 2 кун ўтгач, Тошкент консерва заводининг ишчилари ўз корхоналарига қайтиб келдилар. Улар ўрганиб қайтган тажрибаларини ўз ўртоқларига сўзлаб беришди. Завод ма'мурияти янгийўлилар ўйлаб топган эҳтиёт бочкадан мевачилик цехига ҳам ўрнатишга қарор қилди.

Мевачилик цехининг коллективи ўз мусобақадоши Янгийўл шаҳар, консерва заводи сабзавотчилик цехининг ишчи ва хизматчиларидан орқада қолаётгани йўқ. Кўпгина бригадаларга, шулар қаторида Антонина Кузнецовининг бригадасига СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги томонидан «А'ло сифатли маҳсулот ишлабчиқаручи бригада» деган ном берилди. Цехнинг ўртоқ Нина Маслова бошчилик қилаётган смена а'золари шу кунларда сменада белгиланган 9600 банка ўрнига, 12000 банкадан ошириб сифатли консерва тайёрлаб чиқармоқдалар.

Шунингдек, консерва заводи 9 ойлик ишлабчиқариш планини ҳамма кўрсаткичлар бўйича 8 кун илгари бажарди. Пландан ташқари 3 миллион сўмликдан ортиқ консерва тайёрланди. Шу ўтган давр ичида маҳсулот таннархи 4 процент камайтирилди, 400 минг сўмлик ҳомашё иқтисод қилинди. Меҳнатсевар коллектив эришган бу муваффақиятлари учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Заводнинг ана шундай юксак натижаларга эришишида мевачилик цехи коллективининг хизмати катта. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Илғор коллектив шу кунларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, юксак натижаларни қўлга киритмоқда.

Б. ИМОМОВ.

ФЕЛЬЕТОН

„Албатта тўғрилаймиз...“

Халқимизда бир ривоят бор. Унда бир судхўрдан пул қарз олган ва уни қайтаролмай ночорликдан найранг ишлаттан бир камбағал тўғрисида ҳикоя қилинади. Қарзни қистайверив, қарздорни жони-ҳолига қўймаган судхўр қарздорнинг ўғлидан шундай жавоб олади: «Яқинда дадам янтоқ уруғи келтириб эшигимиз олдига сепмоқчилар. Янтоқ қўкариб, кузда қуригач, унинг тиконларига эшигимиз тагидан ўтган қўй-эчкиларнинг жунларидан илиниб қолади. Аям ана шу жунларни йиғиб, улардан ип йигирадилар, кейин ипларни бозорда пуллайдилар. Дадамнинг айтишича, сизнинг пулингиз ўша куни дарҳол қайтарилади».

Юқоридаги ривоят биз қуйида баён қилмоқчи бўлган бир воқиа муносабати блан ўз-ўзидан хотирага келди:

1953 йилнинг кузида Оққўрғондан Кучлик станциясига қараб йўл тушди. Қизғин бошланган иш Ўртачирчиқ район Қурултой қишлоқ советига қарашли Куйбишев номли колхознинг а'зоси Умаралиота Боборахимов ҳовлисига келиб тўхтади.

— Хўш, ҳовлини нима қиламиз? — Йўл қурилиши бошлиғи ўз ёнида қўлини белига қилиб турган Оққўрғон район ижроия комитетининг раиси Мирзаевга мурожаат қилди.

— Нима қилар эдик, бузамиз, — пинагини бузмай жавоб берди Мирзаев.

Шу блан иш яна қизғин тус олиб кетди. Умаралиотанинг уйи унинг розилигисиз бузилабошланди. Девор олдидаги дарахтларга арра қўйилди. Шу вақт ичкаридан 68 ёшли Умаралиота чиқиб келди:

— Ҳай, болаларим, бу нима қилганларингиз, уят эмасми ахир, — деди у Мирзаевга қараб.

— Э, отахон, бу сизнинг ҳовлингизмиди? Яхши-яхши, мен ҳозир тегишли кишиларни чақиртираман. Улар ҳовлингизни баҳолаб, акт тузишади. Пулини лақд оласиз. Янги уй-жой қуриб олишингиз учун ғишт, цемент, ёғоч, тунука... дегандай, ҳаммасини тўғрилаб берамиз. Ўзим бошида тураман. Дангиллама иморат қурасиз. Хўш, энди нима дейсиз, рози бўлласизми отахон? — Мирзаев «оқ кўнгиллик» блан юрагидаги бор «яхши» гапларини айтиб, отанинг қўйнини пуч ёғоқ тўлдирди.

— Бу, бўлак гап ўғлим, қонун ҳам шуни кўрсатади, — Умаралиота хурсанд бўлиб, Мирзаевнинг елкасига қоқди, — барака топинг болам.

— Қани, — буюрди Мирзаев ёнидагиларга, — атрофга одам юборинглар, Файзиев, Маматхонов, Бердимуротов ўртоқлар тезда олдимга етиб келишсин!

Орадан бир соат ўтди. Акт тузадиганлар енгларини шимариб, етиб келдилар. Улар уч уй, бир ошхона, мевалик дарахтларни айланиб кўриб чиқдилар:

— Ҳовлингизнинг нархи 10 минг сўмдан ошмайди, нима дейсиз ота? — сўрашди улар.

— Майли, болаларим, — жавоб берди Умаралиота, — қанча пулга арзиса, хатга шунча деб битинглар, мен розиман.

Тезда акт тузилди ва унинг тегига ҳалиги кишилар — Оққўрғон район ижроия комитетининг бўлим мудири Бердимуротов ёғ заводининг директори Файзиев ва ишончли Маматхоновлар «дадил» қўл қўйиб юбордилар.

— Мана ҳужжат, — деди Мирзаев акт қоғозини отага узатаётиб, менинг ва'дам қат'ий, бу ва'да асло ўзгармайди.

— Балли, ўғлим, — болалардай шодланиб деди ота, — раҳбар деган ана шундай бўлиши керак...

Орадан бир ҳафта ўтди. Дарахтлар кесилди, деворлар ағдарилди. Лекин, ҳеч нарсадан дарак бўлмади. Омонат бўлиб қолган уйлар ялангликда қолди. Ғиз-ғиз ўтиб турган транспортлар зарбидан уйларнинг деворлари ёрилабошлади. Ота олти жонни бу уйда сақлашни нотўғри деб топиб, пулни ундиргани Мирзаевнинг олдига — Оққўрғонга жўнади.

— Э, отахон, келдим денг, бемаҳалда келибсиз, бизда ҳали ҳеч нарса йўқ. Ғишт ва на...

— Ўғлим, мени овора қилманг, — деди ота, — мени бошпанасиз қилиб қўйманг...

— Тўғрилаймиз ота, албатта тўғрилаймиз. Биз учун бир оғиз сўз-да, айтдикми, ҳаммаёқ гулистон бўлади-кетади. Янаги ҳафта худди шу вақтда келинг.

Ота бош чайқаб кабинетдан чиқиб кетди.

Хўш, кейин нима бўлди, деб сўрарсиз. Умаралиота Мирзаевнинг олдига боришини, Мирзаев бўлса ўз ва'дасининг қўймади.

Орадан уч ой ўтди. Қиш ҳам етиб келди. Ота ўнинчи марта Мирзаев олдига отланабошлади.

— Дада, — деди мактабга йўл олмоқчи бўлиб турган бир ўғли ачиниб, — қўйинг, борманг, совуқда эсингиз кетади. Барибир яна овора бўлиб келасиз.

Ота ўғлининг сўзини эшитса ҳам орқага қайтмади. Худди шу вақт уйга ён қўшниси Туроб Сайдалиев кириб келди:

— Ота, — деди у, чолнинг оппоқ соқолларига тикилиб туриб, — уйларингиз нобоп бўлиб қолди. Мен бугун келинингиз блан маслаҳатлашдим, Мирзаев ва'дасининг устидан чиққунча болаларингиз блан бизнинг ана у бўш уйимизга кўчиб чиқинг. Оққўрғонга эртага борарсиз.

Умаралиота қўшнисига миннатдорчилик билдирди ва шу куни кўчиш блан овора бўлди. Эртасига эса, яна Мирзаевнинг кабинетида пайдо бўлди.

— Э, келинг, — деди Мирзаев Умаралиотага, — тўғрилаймиз, албатта тўғрилаймиз. Лекин, бизда ҳозирча на ғишт ва на... Ҳа, айтгандай бир прокурорга кириб маслаҳатлашингчи. Мен воқиани унга айтгандай бўлган эдим.

Ота бу сафар индамади. Чунки, энди у, бундай қуруқ ва'даларга кўниккиб қолган эди. У, район прокурорининг олдига кирди ва бор гапни бирма-бир сўзлаб берди. Прокурор нима ҳам қилсин, у бу ишлардан бутунлай хабарсиз эди:

— Отахон, — деди у, — бу ҳакда ўртоқ Мирзаев менга ҳеч нарса айтгани йўқ. Яхшиси сиз Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ариза ёзинг...

1954 йил, апрель ойида ота Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан жавоб олди. Унда ўртоқ Умарали Боборахимовнинг аризаси устидан тезда текшириш ўтказилсин ва унинг натижаси бизга юборилсин, дейилган эди. Умаралиота хатга асосланиб ўниккинчи марта Мирзаевнинг олдига келди.

— Э, келинг ота, вақтида келдингиз, мана, биз сизнинг ишингиз юзасидан ма'лум топшириқ олдик. Тўғрилаймиз, албатта тўғрилаймиз, бир ҳафтадан кейин келинг. Чунки, бизда ҳозирча на ғишт ва на ёғоч...

Отанинг тоқати тоқ бўлди. Энди нима қилиш керак. Ахир бечора қария Ўртачирчиқдан Оққўрғонга қатнайверив чарчади-ку. Бунинг устига бирпеча кун ишдан қолди.

«Майли, — деди у ўз-ўзига, — бу сафар ҳам тишни-тишга қўйиб чидай, балки эндиги даф'а алдамас».

Қўйингчи, Умаралиота яқинда Ўнбешинчи марта Мирзаевнинг олдига келди.

— Эй келинг отахон, — Мирзаев уни яна ўша «мулойимлик»ни блан кутиб олди, — мана энди яқинлашиб қолди, тўғрилаймиз, албатта тўғрилаймиз, лекин бизда ҳозирча на ғишт, на ёғоч...

Савол: ўртоқ Мирзаев, сизнинг гапингизда субут борми, ахир, ва'дангизнинг вафоси бўладими? Ёки чиндан ҳам сиз ривоятдаги қарздор тутган йўлга ўтиб олдингизми? Ўндай десак, сиз буни ноилож ликдан қилаётганингиз йўқ-ку!

Усмон ЖОНГИТОВ.

Ишчан киномеханик

— Ўртоқ ранс, бугун электростанцияни эртароқ юргизишга рухсат берсангиз. Узингизнинг ҳам хабарингиз бордир, шанба кунлари ҳам ўйнашлар учун, ҳам катталар учун икки сеанс кино кўрсатиш одат бўлиб қолди, — деди телефонда гаплашатуриб район кўчма киноустановкасининг механики Вдовенко колхоз раиси Турдиевга. «Бугун «Алёша Птицин тартибга кўникмоқда» картинаси кўрсатилар экан» деган хабар тезда бутун қишлоққа тарқалди. Шу куни Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг чиройли қилиб безатилган клуби ўқучи болалар блан тўлди. Болалар кино-картинани зўр қониқиш блан кўрдилар ва катта таассурот олдилар.

Леонид Миронович Вдовенко 1944 йилдан бери киномеханик бўлиб ишлайди. У ўзининг кўпйиллик иш фаолияти даврида колхозчиларга кино кўрсатиш усулларини жуда яхши билиб олган. Вдовенко кино кўрсатиладиган куни одамлар кўп ўтадиган жойларга, колхоз дала шийпонларига афишалар ёпиштиради. Бундан ташқари колхоз радиоузели орқали қандай картина кўрсатилишини э'лон қилади. Узоқ бригада участкаларидаги колхозчилар кинога телефон орқали таклиф қилинади.

Вдовенко Гулистон районидаги «Красная заря», Фрунзе номли, Хрушчев номли колхозлар аҳолисига намунали кино хизмати кўрсатмоқда. Бу колхозларнинг правление ва бошланғич партия ташкилотлари кино кўрсатишни ташкил қилишда механикка яқиндан ёрдам берадилар. Киномеханик Вдовенко янги чиққан бадиий фильмларни колхозчиларга мумкин қадар тезроқ кўрсатишга ҳаракат қилади. У сўнгги кунларда қишлоқ меҳнаткашларига «Корабль командири», «Маринанинг қисмати», «Кўчамизнинг командаси», «Содиқ дўстлар» ва бошқа бирқанча фильмларни кўрсатди.

Кино кўрсатиш ишини яхши ташкил қилиши натижасида Вдовенко ойлик планни доимо ошириб бажармоқда. У июнь ва июль ойи планини 200—205 процент қилиб бажарди ва бу ойлар учун маошидан ташқари 1440 сўм устама мукофот олди. Вдовенко август ва сентябрь ойларида ҳам планни ошириб бажарди.

И. ЭРБЎТАЕВ.

Завод кутубхонаси

Биринчи сменанинг иши тугади. Ҳозиргина ишдан чиққан бирқанча ишчилар завод касаба союз комитетининг кутубхонасига кирдилар. Уларнинг ба'зилари янги китоб олсалар, ба'зилари эса ўқиб бўлган китобларини топширмоқдалар.

— Менга партия тарихи қисқа курсини беринг? — сўради 5-нчи цехнинг контролёри Маргарита Самарская кутубхона мудиридан.

Кутубхонага бир даста китоб кўтарган ҳолда Николай Петрович Скляров кириб келди. Завод коллективи Николай Петровични ҳурмат блан тилга олади. Коммунист, илғор модельчи ўртоқ Скляров ўзининг ажойиб ва самарали меҳнати блан танилган. У шу йилнинг саккиз ойи ичида 40 дан ортиқ китоб ўқиди.

рафикни ошириб бажарайлик!

☆ ☆ ☆

ётган комсомол-ёшлардан иборат меха-
И. Алиев бошлиқ трактор бригадаси
б бердилар. Суратда: энг яхши меха-
Х. Илисов, Х. Бекбўтаев ўртоқлар.
А. Палехов фотоси.

ҒАЙРАТИЙ

Пахта пунктида

Пункт гавжум,
Кундуз жўшқин,
Тун тетик, бедор.
Пахта ортган сон-саноқсиз,
Қарвонлар қатор.
Дамлар ўтар,
Олтин дамлар боғлашиб қанот.
Тарозубонлар карвон кутар
Шошқин-бетинм.
Пункт гавжум,
Қайнаган ҳаёт.
Қўзлар боқар ва кузатар
Ғанимат дамни,
Ҳарбир рақамни.
Тарозубонлар карвон кутар
Бир хирмон демак.
Юксак чўққи каби хирмон,
Шараф-шон демак.
Пункт гавжум,
Чеҳралар шод, лабларда ханда.
Карвон келар,
Унинг сўнги оппоқ чаманда.
Пункт гавжум,
Меҳнат блан қайнаган ҳаёт.
Дамлар ўтар,
Олтин дамлар боғлашиб қанот.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш керак

Шу кунларда Ўртасарой районидаги 2-нчи МТС идорасига борган киши, у ердан ҳеч кимни топаолмайди. Стол, стул қўйилган хоналар бўшаб қолган. Фақат чеккадаги хонада биргина ҳисобчи колхозлардан олинган янги ма'лумотларни ҳисоблаб, оққа кўчириб ўтиради. Директорни сўрасангиз, у илтифот блан жавоб беради:

— Василий Петрович колхозда...

— Бош инженерни айтиб бераоласизми?

— Ўртоқ Абдуғаниев ҳам далада...

— Бош агроном Ўртоқ Бозоровничи?

— У киши ҳам теримчилар орасида...

Ҳисобчининг жавоби бўйича гуё МТС раҳбарлари қизғин иш блан банд бўлиб юргандек, колхоз далаларида етиштирилган мўл пахта ҳосилини ўз вақтида, нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун ўзларининг шарафли бурчларини бажараётгандай туюлади. Бундай бўлса кошкиди-я.

МТС директори ўртоқ Погореловни «Северний маяк» колхозига кетаётганда учратдик. У дарҳол гапга кириши, пахта териш машиналарининг яхши ишлаётганлигидан, лекин айрим колхозларда пахта яхши очилмай, иш унуми юқори эмаслигидан сўзлай бошлади.

Биз директор блан «Северний маяк» колхози пахтазорларига етиб келдик. Колхознинг 8, 3 ва 2-нчи бригадаларида 16 та пахта териш машиналари ишлаяпти. Айрим участкаларда колхоз а'золари пахта термоқда. Уфққа бош қўйган далалар оппоқ.

Механик-ҳайдовчилар, шунингдек колхозчилар шу кунларда пахтанинг ялпи очилганлиги тўғрисида қувониб сўзлайдилар. Улар, колхозда 400 гектардан ортиқ ердаги пахта машиналарни кутиб турганлиги ҳақида сўзлайдилар.

Машиналар етарли, шунингдек, очилган пахталар ҳам кўп. Брок терим сур'ати ҳечкимни қаноатлантираолмайди. Колхоз мавсум бошидан буён давлатга ҳаммаси бўлиб 30 процентга яқин пахта топширди, холос. Кундалик терим нормаси бажарилмаяпти. Октябрь ойининг биринчи ҳафтаси ўтиб кетаётганлигига қарамай, районнинг юқори ҳосилли колхозларидан ҳисобланган бу колхозда аҳвол ана шундай. Бунинг сабабини МТС директори Погорелов, бош агроном Бозоров ўртоқлар, шунингдек колхоз раҳбарлари ҳам аниқ айтиб беролмайдилар.

Директор айрим механик-ҳайдовчиларнинг ҳар куни 1,5—2 тоннадан пахта тераётганлиги ҳақида махтаниб сўзлайди. Тўғри, бундай азамат механизаторлар МТСда кўп. Масалан «Северний маяк» колхозида ишловчи Ким Григорий, Ким Константин, Свердлов номли колхозда хизмат қилучи Турсунов, Мирзакаримов, Утебоев, Молотов номли колхозда Ким Николай ва бошқа ўнлаб механизаторлар ҳар куни пахта териш нормасини 2—2,5 баробар ошириб бажармоқдалар. Лекин, барча машиналарнинг кундалик, ўртача пахта териш нормасини ҳисоблаганда, ҳарбир машинага 400—500 килограммданга тўғри келади. Бу — сўдралишни ёқмол акс этдируччи рақамдир.

Пахта териш машиналари нега ёмон ишлаяпти? «Полярная звезда» га ўхшаган колхозлар бир кунда йиллик планнинг 3 процента миқдорида пахта топширганларида, нега районнинг кўпчилик колхозлари бир процент атрофида айланиб юрадилар?!

Пахта тайёрлашда область бўйича районнинг энг орқада қолишига нималар сабаб бўлмоқда? Бунинг сабаби, пахта йиғим-теримида оператив раҳбарликнинг йўқлиги, ҳамма куч ва воситаларни йиғим-теримга тўғри тақсим қилинмаганлигидир. Буни бирғина пахта териш машиналарининг иш унумидан аниқлаш мумкин.

Колхоз йўлларида пахта териш машиналарининг далама-дала, колхозма-колхоз ўтиб кетаётганлигини учратасиз. Ҳатто, бу райондаги икки МТСнинг пахта териш машиналари кунаро, ўнлаб километр йўл босиб, бир-бирларига «ёрдам»га ўтиб юришни одат қилган. Бу — бир колхозда машина ёки етилган пахта йўқлиги учун иккиничисига ўтди, деган хулосага келтирмайди. Шу кунларда пахта ҳамма колхозларда ҳам яхши очилган. Пахтани истаганча топиш мумкин. Брок, талабчан раислар машинани талаб қилсалар, машиналар ўша томонга йўл олиб, кўп вақтни йўлда ва жорий ремонт қилиш блан ўтказмоқда.

2-нчи МТСда 90 та пахта териш машинаси бор. Улар блан зонадаги 5 колхозининг 1800 гектар ердаги пахтаси биринчи марта ва 1600 гектар ердаги пахтаси иккинчи марта териб берилиши зарур. 90 машина ҳар куни ўртача 2 тоннадан пахта терса, кунига 180 тонна ҳосил териб олиниши мумкин. Лекин, МТС зонасида фақат 39 машина ишлаб, кунига ҳаммаси бўлиб, 15—20 тоннадан пахта термоқда, 20 дан ортиқ машина эса, турли сабаблар блан бекор ётибди. 2-нчи МТС механизаторлари Жданов номли ва Сталин номли колхозларнинг 300 гектар ердаги пахтасини териб бериши керак эди. Аммо, механик-ҳайдовчилар Жданов номли колхознинг 90 гектар ва Сталин номли колхознинг 108 гектар ердаги пахтасини териб бердилар, холос. Молотов номли, Свердлов номли ва «Северний маяк»колхозларида минг гектардан ортиқ пахта майдонлари машина блан теришга тайёр қилинган. Бу ерларда пахталар ўз вақтида териб олинмаганидан чаноғидан тўкилиб, нобуд бўлмоқда. Агар шошилинч равишда машина келтирилиб теримга туширилмаса пахтанинг бир қисми нобуд бўлиши мумкин.

Колхозларда МТСдан борган давлат агрономлари ишлаб турибди. Улар пахтанинг очилиши ва теримга тайёр бўлиши блан шуғулланишлари ва терим сур'атини тезлатиш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари керак. Лекин, айрим участка агрономлари терим сур'атини тезлатиш ва пахта териш машиналарининг кучидан унумли фойдаланишга э'тибор бериш ўрнига, турли важлар кўрсатиб, терим сур'атининг пасайишига сабабчи бўлмоқдалар. Ўртоқ Қаҳҳор Турмуҳамедов Свердлов номли колхозда участка агрономи бўлиб ишлайди. У, колхоз раҳбарлари блан маслаҳатлашиб, машиналарни пахта теримига жўнатиш ўрнига. «машиналарнинг подбоpшиги йўқ экан» деган баҳона блан 26 машинани ишдан тўхтатиб қолдирган. Натижада, шу куни колхозда теримлиши лозим бўлган 30 гектардан ортиқ ердаги пахта терилмай қолган.

Бу аҳвол пахта териш машиналарининг ишини яхшилашга мас'улиятсизлик блан қараб келинаётганлиги натижасидир. Йиғим-терим сур'атини тезлатишга жиддий э'тибор берилмаганлиги натижасида райондаги 14 колхознинг кўпчилигида кундалик график бажарилмаётир. 2-нчи МТС зонасидаги 5 колхозда пахта теримига 3 мингга яқин ишчи кучи ажратилган, лекин шундан 1,5 мингга яқини теримда қатнашаётир, уларнинг кўпчилиги эса, кундалик нормаларини бажармайдилар.

Сталин номли колхоз (раиси М. Ҳайдаров, бошланғич партия ташкилотчиниг секретари М. Аҳмедов ўртоқлар) йиллик планнинг атиги 14,6 процента миқдорида пахта топширди. Шунингдек, Молотов номли колхоз шу вақтгача йиллик планнинг 15,9 проценти, Жданов номли колхоз 12,79 процента миқдорида пахта тайёрлаб, ҳаммадан орқада қолиб келмоқдалар.

Районнинг 1-нчи МТС зонасидаги колхозларда ҳам йиғим-терим сур'ати тезлаштирилмаётир. Бу зонадаги 9 колхознинг кўпчилиги кундалик пахта тайёрлаш графигини бажармайди. Зонадаги колхозлар пахта тайёрлашда ҳатто 2-нчи МТС зонасидаги колхозлардан ҳам кейинда қолмоқда. Булганин номли колхоз ҳозиргача йиллик планнинг 10 процента, Охунбобоев номли колхоз 16 процента, «Коммунизм» колхози 12 процента миқдорида пахта топширганлар. Бошқа колхозлар ҳам ойлик графикларини бажарганлари йўқ. Бу колхозларда ҳар куни 1—1,5 процент миқдорида пахта тайёрланмоқда, холос. Лекин, уларда ҳар куни 2—3 процент миқдорида пахта тайёрлаш учун ҳамма имкониятлар бор.

Бунинг учун даставвал пахта териш машиналарини тўлиқ ишга солиш ва уларнинг кучидан унумли фойдаланиш керак, шу блан бирга барча колхозлардаги меҳнатга яроқли кишиларнинг ҳаммасини йиғим-теримга тўла сафарбар этиш лозим. Бусиз районни қолоқликдан чиқариб бўлмайди.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Агрономлар илғор иш методларини пропаганда қилмоқдалар

УРСАТЬЕВСК (ЎзТАГ). Ховос районида энг йирик колхозлардан бири Карл Маркс номли колхозининг а'золари ҳосилни йиғиб-териб олиш сур'атини тобоpо оширмоқдалар. Колхозда 700 киши пахта тераётир. Теримчиларнинг кундлик ўртача иш унуми 100 килограммни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда колхозчиларнинг учдан бир қисми хирмонга уч тоннадан пахта териб топширди.

Колхоз бу муваффақиятларга Ховос районидаги 2-нчи МТСнинг агрономи Турдиали Қосимов ва колхоз ҳосилот совети раиси Жуман Бердиқулов ўртоқларнинг ташкилотчилик фаолиятлари натижасида эришди.

Бу ўртоқларнинг бевосита иштироки блан колхозда йиғим-терим плани ишлаб чиқилди ва дала ишларининг пахта иш графиги белгиланди. Мутахассислар колхознинг ҳамма 19 бригадасида пахтани сортларга ажратиб териш зарурлиги ҳақида суҳбатлар ўтказдилар, колхозчиларни пахта сортларининг намуналари блан таништирдилар.

Агрономлар йиғим-теримда прогрессив иш методларини пропаганда қилишга асосий э'тиборни бердилар. Колхоз а'зоси Ойсара Жа'фарова меҳнатда намуна кўрсатиб, кунлик иш унумини 180 килограммгача етказди. Агроном ва ҳосилот совети раиси Ўртоқ Жа'фарованинг иш усулларини э'тибор блан ўрганиб, бу ҳақда ҳамма бригадаларнинг а'золарига сўзлаб бердилар. Ойсара Жа'фарова иш вақтинимг ҳарбир минутини ғанимат билиб, эртадан-кечгача тинмай ишлайди. У пахтани икки қўллаб термоқда. Ўртоқ Жа'фарованинг бирнеча этаги бўлиб, уларни кетма-кет тўлдириб туради. У турли сортдаги пахталарни этакнинг турли хоналарига теради. Ойсара Жа'фарованинг иш тажрибаси теримчилар ўртасида ёйилмоқда.

Агрономларнинг ташаббуси блан звеноларда терилган пахтани колхозчилардан уч марта қабул қилиб олиш йўлга қўйилди. Ана шундай қабул қилганда нам пахта блан қуруқ пахта аралаштирилмайди, нам пахта ўз вақтида ҳавода қуритилади.

Ҳосилни териб олишда илғор иш методларининг қўлланилиши бирқанча звеноларга пахта топшириш давлат планини муддатидан илгари бажариш имкониятини берди. Масалан, Ўртоқ Хатам Раҳмонқулов раҳбарлик қилаётган звено 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта териб олиб, топширишни бажарди. Ўртоқ Жумабой Йўлдошев бошчилик қилаётган звено пландан ташқари пахта термоқда.

———◇———

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«Янгийўлда пахтани машина блан теришга тайёргарлик ишлари пайсалга солинмоқда»

Газетамизнинг шу йил 10 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилиб, унда Янгийўл районида пахтани машина блан теришга тайёргарлик ишлари суст бораётгани, МТС лар пахта териш машиналарини тўла ремонтдан чиқармаётгани, район раҳбарлари 1953 йилда юз берган хатоларни бу йил ҳам такрорлаётгани ва бошқа камчиликлар кўрсатилган эди.

Ўзбекистон КП Янгийўл район комитетидан хабар қилинишича, мақола МТСларнинг советида муҳокама қилинган ва унда келтирилган фактлар тасдиқланган. МТС советлари газетада кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф қилиш ва пахтани қисқа муддат ичида йиғиб олишда машинадан тўла фойдаланиш тадбирларини кўриб чиққан.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг республикамиз колхоз ва совхозларида 1954 йилги пахта ҳосилини териб олиш ва давлатга топшириш тўғрисида чиқарган қарорида партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг ҳозирги кундаги асосий вазифаси — давлат пахта тайёрлаш планининг сўзсиз бажарилишини та'мин этишдан иборат, деб кўрсатилади.

10 октябрьгача давлат пахта тайёрлаш плани республика бўйича 50 процент, областимиз бўйича 45 процент бажарилиши керак эди. Шу миқдордаги пахтани териш ва давлатга топшириш меҳнатни тўғри уюштириш ва ҳисобга олишни, шунингдек меҳнат кунларининг ўз вақтида тўғри ёзиб борилиши устидан қаттиқ контрольлик ўрнатишни талаб қилади.

Кўпгина колхозларда пахта терими звеноларга ажратилган ҳолда уюштирилган бўлиб, бу эса терим сур'атининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Кейинги йиллардаги тажрибалар терим ишлари бригадалар бўйича уюштирилганида, я'ни бригада а'золари бирталашиб туриб пахта терганларида меҳнат унумининг янада ошириш мумкин эканлигини кўрсатди.

Бригада а'золари коллектив ҳолда биринчи навбатда пахтаси қийғос очилган ва тезда териб олиниши зарур бўлган. далалардаги пахтани териб олишлари лозим.

Бригада а'золарининг ҳаммаси битта далада пахта теришнинг афзаллиги шундан иборатки, бу ҳолда меҳнат тўғри ташкил этилади ва терим ишига раҳбарлик қилиш яхшиланади. Бригада бошлиғи харбир теримчининг ишини кўриб туради, теримнинг сифати ва нормаларининг бажарилишини доим кузатаолади.

Ишнинг бутун бригада бўйича бир жойда ташкил этилиши социалистик мусобақани кучайтиришга ёрдам беради: теримчилар иш вақтидан тўла фойдаланадилар, иш унуми ошади.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ И. Иноғамов бошлиқ бригадасида бу йил пахта терими биринчи кунларданоқ бригада бўйича уюштирилди. Бу бригаданинг 4 звеносига қарашли ўнта йириклашган участкадаги 126 гектар майдоннинг 50 гектари машиналар блан теришга ажратилиб, қолгани қўлда терилмоқда. Терим участкалар бўйича навбатма-навбат уюштирилган. Бригаданинг бутун теримчилари пахтанинг очилишига қараб бир участка пахтасини териб бўлгач, навбатдаги участкага ўтадилар. Пахта қайси звено участкасидан терилган бўлса ўша звено ҳисобига ўтказилади. Пахта терими бригада бўйича уюштирилганлиги учун терим сур'ати ошмоқда. Бригадада киши бошига 1,5 гектардан экин майдони тўғри келгани ҳолда, қўл блан кунига йиллик планнинг бир процента миқдоридан кўпроқ пахта топширилмоқда. Бригаданинг теримчилари ҳар куни ўрта ҳисоб блан 80—90 килограммдан пахта тераётирлар. Кўпгина теримчилар ҳозиргача 2,5—3 тоннадан пахта териб қўйдилар.

Т. Шамсиева, М. Исомова, М. Сатимова кабн илғор теримчилар кунига 100—145 килограммдан пахта тераётирлар. Бригадага теримда ёрдамга чиқаётган эллик етти ёшли ўртоқ С. Холматова ҳам кунига 60—75 килограммдан пахта териб топширмоқда.

Теримда соатли графикни қўллаш теримчиларнинг меҳнат унумини оширишларига яхши ёрдам бераётир. Теримчиларга иккитадан этак берилган. Колхозчи этакни тўлдириши блан терилган пахта даланинг ўзида тортилиб, қабул қилинади ва дарҳол қопланиб хирмонга жўнатилади. Соатли графикнинг қўлланилиши туфайли илгари 95—100 килограммдан пахта тераётган М. Сотимова 115—120, Т. Шамсиева 135—145 килограммдан пахта терадиган бўлиб қолдилар. Теримни бригада бўйича уюштириш ва соатли графикни жорий қилиш — ёрдамчи ишларни бажаришга қўйиладиган кишилар сонини камайтиришга имкон берди. Теримчилар битта далада ишлаётганлиги учун терилган пахтани қоплашга фақат 2 киши, хирмонга ташиб бериш учун бир киши банд бўлиб, асосий куч пахта теримига сафарбар этилаётир.

Бригадада теримчиларнинг дам олиши ва овқатланиши учун яхши шароит яратиб берилган. Дала шийпонида сифатли иссиқ овқатдан ташқари теримчиларга эрталаб ва кундузи чой ҳам тайёрлаб берилади. Шийпонда кўчма болалар ясли-моқда эди. Хирмонда пахта ўнлаб [illegible] ти, пахта блан лиқ тўла 30 — 40 қанор ҳам турипти.

— Қизил байроқни яна Қаюм Тошхўжаев бригадаси олиб кетаверадими, ё тортишиб кўрасизми? — деб сўради парторг бригадирдан.

Бригадир Пўлатов ҳозиргина даладан қайтган эди. У Карим Налибоев звеносида терилган пахталарни бричкаларга юклатиб хирмонга юбортирди. Соатлик график усулида ишлаётган теримчилар блан суҳбатлашди, пахта териш учун ёрдамга келган кишилар ва ўқучилардан ҳам хабар олди, уларнинг овқатлари, ётоқ жойлари, яхши дам олишлари каби муҳим ишларни текшириб кўрди, бу ҳақда тегишли йўл-йўриқлар берди. Хирмонда анчагина пахта тўпланиб қолганлигини ўзича ҳисоблаб чиқиб, йўлда келатуриб колхоз раиси Жўра акадан хирмонга қўшимча машина юборишни илтимос қилиб ўтди.

— Бригадамиздаги ҳарбир киши бошқалардан кейинда қолмасликка интилади, деди Пўлатов партком секретарига. Пўлатов қўлидаги қанор блан пахта тиқилган қанорларнинг оғзини бўғар, хирмондаги йигитларни «Ҳа, азаматлар, бўлинглар, процентга кириб қолсин» дея, уларни жадалроқ ҳаракат қилишга ундар эди.

Бричкаларга ачилаб босилган қанорлар устига ўтириб олган 4-нчи звено бошлиғи Карим Налибоев, 1-нчи звено бошлиғи Кулпон Холбоевалар хирмонга кириб келдилар.

— Бригадир ака, — деди Налибоев, бугун давондан ошдик, десак бўлади. Шу 18 қанорни ҳам пунктга юбораолсак, звено плани 52 процент бўлади.

Колхоз раиси Жўра Пўлатов ва'даси устидан чиқди: бирданига икки автомашина юборипти. Абдуазимов соатига қаради; пунктнинг пахта қабул қилиши учун яна икки соат вақт бор. У шоферларни, қоплочиларни, учётчиларни ҳам машинага қанор ортишга чақирди. Дарҳол ҳужжат ёзилди, машина жўнаб кетди.

— Хўш, қани, бугун пунктдан пахта қайтмадими? — деб сўради Абдуазимов бригадирдан.

— Биз пахтани фақат а'ло ва биринчи сортга топшираётирмиз, — у ишонч блан жавоб берди.

— Демак, бугун 5520 килограмм топширилипти — 2,7 процент!

[illegible] бригаданинг ишини бошқа бригадаларнинг иш якунлари блан солиштириб кўрди:

— Мусобақанинг мақсади ҳам шу: қолоқлар илғорларга тенглашади, ўзиб кетади, шундай қилиб, ҳамма ишимизда илгарига қараб силжиш пайдо бўлади!

Ўтган ҳафтадаги очиқ партия йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пахта йиғим-теримини ўтказиш тўғрисидаги қарори муҳокама қилиниб, колхоздаги ҳамма коммунист ва комсомоллар, ма'мурий-хўжалик ишлариди кишилар пахта теришга сафарбар этилди. Библиотека мудири коммунист Раҳмонберди Мирзақулов 4-нчи бригадада пахта теришга юборилди. У ҳар куни 80—90 килограммдан пахта термоқда. Партком секретари ўртоқ Абдуазимов Мирзақуловдан қандай ишлаётганини сўраган эди, бригадир Пўлатов жавоб берақолди:

— Раҳмонберди чакана эмас. Пахта теришдан ташқари, агитаторлик ишини ҳам олиб бормоқда. Энг яхши теримчиларимиздан Бибиҳон Мирзаева, Жаҳон Мирзакелдиеваларнинг иш тажрибаларини ҳамма теримчиларга намуна қилиб кўрсатмоқда. Теримчиларнимиз ва илғор звеноларимиз ҳурмат тахталарига ёзилиб боради.

Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ғани Абдуазимов 5 октябрьдаги иш якунини далама-дала юриб пухта текширди, хирмонда эса ҳамма ишга якун ясади. Бу ҳақда коммунистлар, илғор теримчи ва активлар блан маслаҳатлашди.

Эртаси куни колхоз правлениеси ва партия бюросининг қарори э'лон қилинди:

«Пахта топшириш йиллик планини 6 октябрьгача 41 процент бажариб, бешкунликда энг кўп миқдорда пахта топширгани учун колхознинг кўчма Қизил байроғи коммунист Ғани Пўлатов бошлиқ 4-нчи бригадага берилсин».

...Кўчма қизил байроқ ҳилпирамоқда! Колхознинг бошқа бригадалари ҳам ана шундай натижага эришиш учун ҳормайтолмай меҳнат қилмоқдалар.

М. РАСУЛ.
Оржоникидзе районидаги Молотов номли колхоз.

Пахта йиғим-терими даврида меҳнатни тўғри уюштирайлик

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг республикамиз колхоз ва совхозларида 1954 йилги пахта ҳосилини териб олиш ва давлатга топшириш тўғрисида чиқарган қарорида партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг ҳозирги кундаги асосий вазифаси — давлат пахта тайёрлаш планининг сўзсиз бажарилишини та'мин этишдан иборат, деб кўрсатилади.

10 октябрьгача давлат пахта тайёрлаш плани республика бўйича 50 процент, областимиз бўйича 45 процент бажарилиши керак эди. Шу миқдордаги пахтани териш ва давлатга топшириш меҳнатни тўғри уюштириш ва ҳисобга олишни, шунингдек меҳнат кунларининг ўз вақтида тўғри ёзиб борилиши устидан қаттиқ контрольлик ўрнатишни талаб қилади.

Кўпгина колхозларда пахта терими звеноларга ажратилган ҳолда уюштирилган бўлиб, бу эса терим сур'атининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Кейинги йиллардаги тажрибалар терим ишлари бригадалар бўйича уюштирилганида, я'ни бригада а'золари бирталашиб туриб пахта терганларида меҳнат унумининг янада ошириш мумкин эканлигини кўрсатди.

Бригада а'золари коллектив ҳолда биринчи навбатда пахтаси қийғос очилган ва тезда териб олиниши зарур бўлган. далалардаги пахтани териб олишлари лозим.

Бригада а'золарининг ҳаммаси битта далада пахта теришнинг афзаллиги шундан иборатки, бу ҳолда меҳнат тўғри ташкил этилади ва терим ишига раҳбарлик қилиш яхшиланади. Бригада бошлиғи харбир теримчининг ишини кўриб туради, теримнинг сифати ва нормаларининг бажарилишини доим кузатаолади.

Ишнинг бутун бригада бўйича бир жойда ташкил этилиши социалистик мусобақани кучайтиришга ёрдам беради: теримчилар иш вақтидан тўла фойдаланадилар, иш унуми ошади.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ И. Иноғамов бошлиқ бригадасида бу йил пахта терими биринчи кунларданоқ бригада бўйича уюштирилди. Бу бригаданинг 4 звеносига қарашли ўнта йириклашган участкадаги 126 гектар майдоннинг 50 гектари машиналар блан теришга ажратилиб, қолгани қўлда терилмоқда. Терим участкалар бўйича навбатма-навбат уюштирилган. Бригаданинг бутун теримчилари пахтанинг очилишига қараб бир участка пахтасини териб бўлгач, навбатдаги участкага ўтадилар. Пахта қайси звено участкасидан терилган бўлса ўша звено ҳисобига ўтказилади. Пахта терими бригада бўйича уюштирилганлиги учун терим сур'ати ошмоқда. Бригадада киши бошига 1,5 гектардан экин майдони тўғри келгани ҳолда, қўл блан кунига йиллик планнинг бир процента миқдоридан кўпроқ пахта топширилмоқда. Бригаданинг теримчилари ҳар куни ўрта ҳисоб блан 80—90 килограммдан пахта тераётирлар. Кўпгина теримчилар ҳозиргача 2,5—3 тоннадан пахта териб қўйдилар.

Т. Шамсиева, М. Исомова, М. Сатимова кабн илғор теримчилар кунига 100—145 килограммдан пахта тераётирлар. Бригадага теримда ёрдамга чиқаётган эллик етти ёшли ўртоқ С. Холматова ҳам кунига 60—75 килограммдан пахта териб топширмоқда.

Теримда соатли графикни қўллаш теримчиларнинг меҳнат унумини оширишларига яхши ёрдам бераётир. Теримчиларга иккитадан этак берилган. Колхозчи этакни тўлдириши блан терилган пахта даланинг ўзида тортилиб, қабул қилинади ва дарҳол қопланиб хирмонга жўнатилади. Соатли графикнинг қўлланилиши туфайли илгари 95—100 килограммдан пахта тераётган М. Сотимова 115—120, Т. Шамсиева 135—145 килограммдан пахта терадиган бўлиб қолдилар. Теримни бригада бўйича уюштириш ва соатли графикни жорий қилиш — ёрдамчи ишларни бажаришга қўйиладиган кишилар сонини камайтиришга имкон берди. Теримчилар битта далада ишлаётганлиги учун терилган пахтани қоплашга фақат 2 киши, хирмонга ташиб бериш учун бир киши банд бўлиб, асосий куч пахта теримига сафарбар этилаётир.

Бригадада теримчиларнинг дам олиши ва овқатланиши учун яхши шароит яратиб берилган. Дала шийпонида сифатли иссиқ овқатдан ташқари теримчиларга эрталаб ва кундузи чой ҳам тайёрлаб берилади. Шийпонда кўчма болалар ясли-си ташкил қилинган. Бу тадбирлар меҳнат интизомининг мустаҳкамланишига ва меҳнат унумини ортишига ёрдам бераётир. Теримчилар ўз вақтида ишга чиқадилар ва белгиланган вақтда маданий дам оладилар.

Теримни бригада бўйича уюштириш кўсак териш ва далани ғўзапоядан тозалаш даврида янада каттароқ аҳамиятга эга бўлади. Бу даврда ғўзапояларни юлиш ва ерни шудгорлаш учун далани тезда тозалаш талаб этилади. Далалар бутун бир бригаданинг ёки икки бригаданинг кучи блан навбат блан тозаланса шудгорни ўз вақтида ўтказиб олиш мумкин бўлади. Бунда конвейер усулини ҳам қўллаш мумкин бўлади. Бир группа теримчилар охирги кўсаклар пахтасини, иккинчи группа теримчилар кўракларни териб кетса, унинг кетидан ғўзапоялар юлиниб кетади.

1951 — 1952 йилларда Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида кўсак териш конвейер усулида ташкил қилинганида колхозчиларнинг меҳнат унуми икки ҳисса ошган эди. Илгари кўсак звенолар бўйича, я'ни икки-уч участкада терилганида бригадага хизмат кўрсатиш ва раҳбарлик қилишда анча қийинчилик бўлар эди, теримчилар бир кунда кўпи блан 80 — 90 килограмм кўсак терар эдилар, холос. Кўсак бригада бўйича терилганида эса, барча теримчилар битта далада ишлайдилар. Терилган кўсак даланинг ўзида тортиб қабул қилинади. Бутун бригада бўйича терилган кўсакни тарозига олиб бориш учун икки киши, хирмонга ташиб туриш учун бир киши ва бир арава етарли бўлади. Натижада теримчилар иш кунидан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Ҳолбуки, илгари теримчилар иш кунининг 20 — 25 процентини терилган кўсакни даладан олиб чиқишга ва тортиб ўтказишга сарфлар эдилар. Эндиликда эса улар бутун вақтни фақат кўсак теришга берадилар.

Бу йил колхозларда кўпгина майдондаги пахта машина блан терилаётир. Бунда колхозчиларни бутун терим мавсуми даврида ма'лум иш участкаларига биркитиб қўйиш катта аҳамиятга эга. Куч тўғри тақсим қилинади, меҳнат унуми ошади. Терим машинаси ва кўрак чувиш машинасига хизмат кўрсатиш учун юкчилар, сув ташучилар, аравакаш, тўкилган ва машинадан кейин терилмай қолган пахтани териш учун шу ишларда доимий ишлайдиган кишилар ажратилиши керак.

Октябрь районидаги Киров номли колхознинг 6-нчи бригадасида 81 гектар майдондаги пахтанинг 56 гектардаги пахтаси машинада теришга ажратилган. Бригадада ҳар куни 2 — 3 машина пахта тераётир. Бригада бошлиғи ўртоқ А. Д. Пилюнин пахта теримида кучни жойжойига тўғри тақсимлаб қўйган. Масалан, бригададаги 38 кишидан 5 киши машиналарга хизмат кўрсатади, булардан бири аравакашлик, уч киши юкчилик қилади, бир киши сув ташийди, 10—11 кищи машинадан кейин тўкилган пахтани теради. Кўрак чувиш машинаси ёнида 4 — 5 киши ишлаб, булардан икки киши станок блан пахта қоплайди.

Пахта станок ёрдами блан қоплангандa меҳнат унуми анча ошади. Шунинг учун бу ишга кўп киши талаб қилинмайди. Станок блан стандарт қопларга пахта тиқиш учун атиги 2,5 — 3 минут вақт сарф бўлади. Ҳолбуки одатдагича қўлда қоплаш учун 4 — 5 минут вақт кетади.

Бригадада 2 — 3 машина бирданига бир участкада пахта термоқда. Ҳозир бригада ҳар куни йиллик планнинг 2—2,5 процента миқдорида пахтани териб, давлатга топшираётир.

Меҳнатни уюштиришда бригада бошлиғи етакчи роль ўйнайди. Бригада бошлиғи кучларни жой-жойига тўғри қўйиши, ҳарбир колхозчининг қилган ишини тўғри ҳисобга олиши керак.

Бригада бошлиғи ишлабчиқаришнинг чинакам раҳбари бўлиши, теримчилар ўртасида меҳнат унумини ошишига эришуви керак.

Колхозлар меҳнатини тўғри уюштириш, пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш, теримчилар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш йўли блан бу йилги пахта тайёрлаш планини ошириб бажариш учун барча имкониятлар бор. Бу имкониятлардан тўғри фойдаланиш керак.

В. КОТИКОВА,
СоюзНИХИ илмий ходими.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси

6 октябрьдаги кундузги ялпи мажлис

НЬЮ-ЙОРК, 7 октябрь. (ТАСС). Кеча Бош Ассамблеянинг кундузги мажлисида совет делегацияси таклиф этган моддаларни, чунончи: «Қурол-яроғларни камайтириш ва атом, водород қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш масаласи юзасидан халқаро конвенция (шартнома) тузиш тўғрисида»ги ва «Хитой денгизлари районида кемаларнинг эркин қатнаб туришига халақит берилаётганлиги тўғрисида»ги моддаларни кун тартибига киритиш юзасидан Бош комитетнинг тавсияномалари муҳокама қилинди. Бош Ассамблея раиси Бош комитет докладини совет делегацияси тақдим этган таклифлар бўйича эмас, балки бутунича овозга қўйишни таклиф этди. Илгари хабар берилганидек, Бош комитет биринчи моддани кун тартибига киритиш, лекин чанкайшичиларнинг қарақчилик ҳаракатлари тўғрисидаги масалани кун тартибига киритишни вақтинча кечиктириб туриш ҳақида қарор қабул қилган эди.

СССР вакили А. Я. Вишинский совет делегацияси тақдим этган ҳар иккала таклифни алоҳида-алоҳида овозга қўйишни таклиф этди. Бош комитетнинг докладида айтилишича, деди А. Я. Вишинский, Комитет Хитой денгизлари районида кемаларнинг эркин қатнаб туришига халақит берилаётганлиги тўғрисидаги бизнинг таклифимизни ушбу сессиянинг кун тартибига киритиш масаласининг муҳокама қилинишини бирнеча кун кечиктиришга қарор қилган. Бизнинг делегациямиз Бош комитетнинг бундай қарорини нотўғри деб ҳисоблайди, чунки бундай қарорни чиқариш учун ҳеч қандай ҳуқуқий ва сиёсий асос йўқ. Бизнинг делегациямиз «Хитой денгизлари районида кемаларнинг эркин қатнаб туришига халақит берилаётганлиги тўғрисида»ги моддани кун тартибига киритишни таклиф этганида, кейинги вақтда Хитой денгизлари районида чанкайшичиларнинг ҳарбий кемалари томонидан турли мамлакатларнинг савдо кемаларига ҳужум қилиш ва бу кемаларни ушлаб олиш ҳоллари кўпайганлиги учун бу таклифни тақдим этаётир, деб уқтириб ўтган эди.

Вишинский буни исботлаш учун бирқанча воқеаларни эслатиб ўтди. У «Туапсе» деган совет танкери, «Президент Готвальд» деган Польша савдо кемаси ушланганлигини айтди. У бошқа мамлакатларнинг савдо кемаларига, жумладан «Хайфа» деган инглиз юк кемасига, «Розита» деган яна бир инглиз кемасига бирнеча марта ҳужум қилинганлигини, «Розита» кемасининг капитани ўлдирилганлигини, «Хейнрих Иессен» деган Дания савдо кемасига ҳужум қилинганлигини айтди.

Ана шу келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, деди Вишинский, биз «Хитой денгизлари районида кемаларнинг эркин қатнаб туришига халақит берилаётганлиги тўғрисида»ги масалани кун тартибига киритишни таклиф этаётган эканмиз, бу ерда гап бутун бир жиноий ҳаракатлар ҳақида боради. Бу жиноий ҳаракатлар очиқ денгизда кемаларнинг эркин қатнаб туриши ҳақидаги ҳамма танган принципни қўпол равишда поймол қилади ва шундай бир жиноятларни ташкил этадики, Бош Ассамблея бу ҳил жиноятларни қат'ий равишда қоралаши лозим, чунки бу хил жиноятлар учун фақат чанкайшичиларгина айбдор бўлмасдан, балки уларга далда бериб туручи кишилар ҳам айбдордир.

Бинобарин, «Туапсе» танкери ҳақида Франция ҳукуматининг воситачилиги блан музокаралар олиб борилаётир деган баҳона блан бу моддани кун тартибига киритиш ҳақидаги масаланинг муҳокама қилиниши бирнеча кун кечиктириб турилсин деб Бош комитетда таклиф қилинганлиги ҳам асоссиздир. Биз бу хил баҳонанинг ҳеч қандай асосга эга эмаслигини айтиб ўтган эдик, чунки Совет Иттифоқи делегацияси томонидан қўйилган масала битта кеманинг ушланганлиги ёки битта воқеа ҳақидаги масаладан иборат эмас. Биз томондан қўйилган масала жуда умумий ва жуда муҳим принципиал характерга ва принципиал аҳамиятга эгадир. Бу масала шундай бутун бир практика системасига тааллуқлидирки, буни очиқ денгизда савдо кемаларига қарақчиларча ҳужум қилиш практикаси деб айтмасдан бўлмайди.

Мана бунинг ҳаммаси шу нарсани кўрсатадики бу масалани кун тартибига киритиш тўғрисидаги масаланинг муҳокама қилинишини бир неча кунга кечиктириш учун ақилга мувофиқ бўлган ҳеч қандай асос—ҳуқуқий асос ҳам, сиёсий асос ҳам йўқ эди.

Бош комитетнинг бундай қарорига қўшилиш мумкин эмаслиги равшан. Биз буни бу хил практиканинг чинакам тўхтатилишини истамаслик деб, очиқ денгизда бундай ачинарлик практика авж олганлигига БМТ Бош Ассамблеясининг э'тиборини жалб қилишни истамаслик деб изоҳ қилишимиз мумкин, холос.

Совет делегацияси Бош комитетнинг қарорига қўшилаолмайди ва Бош комитетнинг бу ҳақдаги қарори рад этилсин деб талаб қилади. Совет делегацияси икки масаланинг алоҳида-алоҳида ҳал этилишини сўрайди.

Польша ва Чехословакия вакиллари совет делегатининг таклифини қувватладилар. Польша делегати Скшешевский ўз делегацияси чанкайшичиларнинг қарақчилик ҳаракатлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилишдан айниқса манфаатдор бўлган давлатнинг вакили эканлигини айтди. Польша делегацияси, деди у, совет делегациясининг «Хитой денгизлари районида кемаларнинг эркин қатновига халақит бераётганлиги тўғрисида»ги моддани кун тартибига киритиш тўғрисидаги таклифини тамомила қувватлайди.

Гоминданчи Бош комитет мажлисидагидек бу мажлисда ҳам, «Туапсе» кемаси ҳақида Франция блан гоминдан ўртасида музокаралар олиб борилаётганлиги муносабати блан бу масаланинг муҳокама қилинишини кечиктиришни яна таклиф этди.

Бош Ассамблея 40 делегациянинг овози блан «Хитой денгизлари районида кемаларнинг эркин қатнаб туришига халақит берилаётганлиги тўғрисида»ги масаланинг муҳокама қилинишини кечиктиришга қарор қилди. 6 делегация—СССР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Польша, Чехословакия ва Ҳиндистон делегациялари бунга қарши овоз бердилар. 7 делегация, шу жумладан Бирма ва Сурия делегациялари овоз беришда бетараф қолдилар.

Бош Ассамблея «Қурол-яроғларни камайтириш ва атом, водород қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш ҳақидаги масала юзасидан халқаро конвенция (шартнома) тузиш тўғрисида»ги моддани 55 овоз блан кун тартибига киритишга қарор қилди. Мажлисда ҳозир бўлган бирор делегация ҳам бетараф қолмади ва қарши овоз бермади.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми

ПРАГА, 7 октябрь. (ТАСС). 6—7 октябрьда Прагада Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Бу пленумда Чехословакия Коммунистик партияси X с'ездининг мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Пленум Миллат мажлиси сайловига тайёргарлик ва бу сайловни ўтказиш соҳасида партиянинг вазифалари тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилди.

Яромир Доланский ва Антонин Новотний бу масалалар юзасидан доклад қилдилар.

Антонин Запотоцкий пленумга раҳбарлик қилди. У охирги сўзни айтди.

Музокараларда 26 киши сўзлади.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитети Доланский ва Новотнийнинг докладларини партиянинг бундан кейинги ишлари учун директивалар сифатида ма'қуллади.

Совет олимларининг Болгарияда бўлиши

СОФИЯ, 8 октябрь. (ТАСС). СССР Фанлар академияси славяншунослик институтининг директори, тарих фанлари доктори П. Н. Третьяков бошчилигидаги совет олимлари делегацияси Болгарияда меҳмон бўлмоқда. Делегация составида славяншунослик институти Болгария тарихи секциясининг мудири, тарих фанлари доктори С. А. Никитин ва тарих фанлари кандидати Л. Б. Валев бор. Уч совет олими СССРда нашр этилаётган «Болгария тарихи» номли асарнинг редакторидир.

Яқинда Болгария фанлар академиясида «Болгария тарихи»нинг нашр этилган биринчи томи ва иккинчи томига киритиладиган материаллар тўрт кун мобайнида муҳокама қилинди. Муҳокамада Болгариянинг кўпгина олимлари ва жамоат арбоблари қатнашдилар.

Гарбий Германия бундестагида

ЛОНДОН, 8 октябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Боннда қуйидагиларни билдирди: Бундестаг канцлер Аденауэрнинг Ғарбий Германияни қуроллантириш тўғрисида Лондонда тузилган битимни ҳимоя қилишга қаратилган баёнотни ма'қуллади.

НЬЮ-ЙОРК, 8 октябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги билдиради: Бундестагда 487 ўриндан 151 тасига эга бўлган социалистик партия депутатлари мазкур баёнотни ёқлаш ҳақидаги резолюцияга қарши овоз бердилар.

Ха-Донг шаҳри ва вилояти Вьетнам Демократик Республикаси контролига топширилди

ПЕКИН, 8 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги мухбирининг Ха-Донгдан (Шимолий Вьетнам) билдиришига қараганда, 6 октябрьда Вьетнам Халқ армияси Ханойнинг ғарби-жанубидаги Ха-Донг деган катта шаҳарга кирган. Жанва битимига мувофиқ, Франция Иттифоқининг қўшинлари Ха-Донг шаҳридан олиб чиқиб кетилганидан кейин Вьетнам Халқ армияси бу шаҳарга кириб келган. Шаҳарни топшириш эрта блан соат 10 да тамомланган. Шаҳарни топшириш вақтида Вьетнамдаги кузатиб туручи ва контроль қилучи Халқаро комиссиянинг вакиллари ҳозир бўлганлар.

Ха-Донг устидан контроль топширилган пайтда шаҳарда тартиб ҳукм сурган. Шаҳарга Вьетнам Халқ армияси блан биргаликда Вьетнам Демократик Республикасининг Ха-Донг ҳарбий ва маъмурий комитетининг вакиллари ҳамда Лао-Донг партияси шаҳар комитетининг вакиллари келганлар. Айни вақтда шаҳар аҳолиси учун озиқ-овқат ва ёқилғи келтирилган.

Ха-Донг яқинидаги бошқа икки шаҳардан ўша куни Француз қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши натижасида бутун Ха-Донг вилояти тамомила озод қилинди. Бу вилоятнинг аҳолиси 700 минг кишидан ортиқдир.

Мисрда «Мусулмонлар қардошлиги» уюшмасининг олий бошлиғи қамоққа олинган

ПАРИЖ, 8 октябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Қоҳирадан билдиришига қараганда, 7 октябрьдан 8 октябрьга ўтар кечаси Қоҳира атрофида «Мусулмонлар қардошлиги» уюшмасининг олий бошлиғи Ҳасан Ҳодайби қамоққа олинган.

Ма'лумки, «Мусулмонлар қардошлиги» уюшмаси Сувайш канали зонаси тўғрисидаги Англия-Миср битимига қарши чиққанлиги сабабли Носир ҳукумати блан мазкур уюшма ўртасида кескин ихтилофлар юз берган эди. Битим текстининг яқин кунларда имзоланиши кутилади.

Австрияда забастовкалар

ВЕНА, 8 октябрь. (ТАСС). Матбуотнинг билдиришича, кейинги вақтларда Австриянинг бирқанча корхоналарида ишчи ва хизматчилар забастовка қилганлар. Улар ишҳақининг оширилишини, ишдан бўшатишнинг тўхтатилишини ва меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

«Альпине-Хеми» (Тироль) химия заводининг ишчилари яқинда уч соатлик забастовка ўтказганлар ва ишҳақининг оширилишига муваффақ бўлганлар.

«Ленер-верке» (Вена) заводи ишчилари ва хизматчиларининг забастовкаси бир ҳафтадан буён давом этмоқда. Улар ишҳақининг оширилишини ва жуда оғир меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

Бугун «Белер-верке» (Штирия) заводининг 300 ишчиси ва хизматчиси ишдан бўшатишга қарши норозилик билдириб, забастовка э'лон қилди.

Франция аҳолисининг сони

ПАРИЖ, 8 октябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги билдиради: 1954 йил май ойида ўтказилган рўйхатнинг дастлабки ма'лумотларига қараганда, Францияда (мустамлакалардан ташқари) 42.774.000 киши бор.

Франция Миллат мажлисида

МЕНДЕС-ФРАНС НУТҚИ

ПАРИЖ, 7 октябрь. (ТАСС). Бугун Франция Миллат мажлиси Ғарбий Германияни қуроллантириш масаласи юзасидан тўққиз мамлакатнинг Лондон кенгашида тузилган битимлар ҳақида Министрлар совети раиси Мендес-Франснинг докладини эшитиш ва бу масала юзасидан бўлган интерпелляцияларни муҳокама қилиш учун ўз йиғилишига тўпланди.

Франс Пресс агентлигининг хабаридан ма'лум бўлишича, Мендес-Франс шундай деб да'во қилганки, «Европа мудофаа бирлашмаси» (ЕОС)ни тузиш ҳақидаги Париж шартномаси Франция парламенти томонидан гўё икки сабабга биноан, я'ни «Европа мудофаа бирлашмаси ҳақидаги шартномада кўзда тутилган механизм миллий ҳокимиятнинг катта бир қисмини ўзига олганлиги сабабли, иккинчи томондан, Англия бу проектдан четда қолганлиги» сабабли ратификация қилмаган эмиш, ҳолбуки фактлар шуни исбот қиладики, Франция парламентидаги овоз бериш Франция кенг халқ оммасининг Германия томонидан қандай шаклда бўлмасин яна хавф туғилишига йўл қўйишни истамаганлигини яққол кўрсатди.

Мендес-Франснинг да'во қилишича, Ғарбий Германияни қуроллантириш гўё «муқаррар» эмиш. Мендес-Франс «Германияни қандай шаклда бўлмасин қуроллантириш мумкин эмас, деб бу ерда айтадиган вақт аллақачонлар ўтиб кетди» деган. Мендес-Франс бутун кучини шундай деб исбот қилишга қаратганки, гўё Лондон кенгаши Германия томонидан хавф туғилишига қарши қаратилган қандайдир эффектив гарантияларни ўз ичига олган эмиш. Жумладан, унинг да'во қилишича, «Буюк Британиянинг ўз қўшинларини қит'ада қолдиришга ва'да берганлиги» ва АҚШнинг ҳам худди шундай ва'даларни берганлиги гўё ана шундай гарантиялардан иборат эмиш.

Франция бош министри масалани шундай тасвирлашга уриндики, Германияни қайтадан қуроллантириш гўё контроль қилиб турилади ва чекланган даражада бўлади эмиш, ҳолбуки тарихий тажриба шуни кўрсатадики, герман милитаристларининг ўз қурол-яроғларини чеклаш юзасидан олган ҳарқандай мажбуриятлари улар томонидан қулай пайтда бузилаверади. Шу нарса характерлидирки, Мендес-Франс Лондон кенгашида тузилган битимларнинг Ғарбий Германия қурол-яроғларнинг ба'зи турларини ишлаб чиқармаслик мажбуриятини олганлиги ҳақида гап борган моддаларини уқтириб ўтди, лекин шу блан бирга, ана шундай «чеклашларни» четлаб ўтиш учун йўл очиб берадиган моддалар ҳақида индамади.

Бироқ, Мендес-Франс Лондон кенгаши битимларида кўзда тутилган охирги мақсад герман милитаризмини тезда тиклашдан иборат эканлигини яшираолмади. У, Лондон битимлари асосида Ғарбий Германия қўшиладиган Атлантик блоки «ўзида а'зо бўлган мамлакатларнинг ҳарбий потенциалини кўпайтириш ниятидадир» деди.

Мендес-Франс Лондон кенгашида Иден ва Даллеснинг тутган позицияларидан қониқиш ҳосил қилганлигини айтиб, Миллат мажлисини, мен Францияга путур етказадиган ёнберишларни қилмадим, деб ишонтиришга уринди.

Мендес-Франсдан кейин депутат Поль Рейно сўзлади, бундан кейин мажлис тўхтатилди.

Мисрда совет баскетболчиларининг муваффақияти

ҚОҲИРА, 8 октябрь. (ТАСС). Кеча Қоҳирада Совет Иттифоқи баскетболчилари блан Миср баскетболчилари ўртасида навбатдаги, тўртинчи ўртоқларча учрашув ўтказилди. Тбилиси «Динамо» баскетболчилари Мисрнинг биринчи терма командаси блан яна ўйнадилар: Совет баскетболчилари яна ғалаба қилдилар. Улар бу ўйинни 54:43 ҳисоби блан ютдилар.

Тамошабинлар совет спортчиларини қизғин табрикладилар. Ўйинда Миср бош министрининг ўринбосари Жамол Салим ва Мисрнинг бошқа расмий кишилари, шунингдек дипломатия корпусининг а'золари ҳозир бўлдилар.

9 октябрьда Тбилиси «Динамо» баскетболчилари Мисрнинг биринчи терма командаси блан яна бир марта учрашадилар. Бу ўйин Порт-Саидда ўтказилади.

Эронда оппозиция арбоблари устидан суд

ТЕҲРОН, 8 октябрь. (ТАСС). «Фармон» газетаси билдиради: «Халқ партиясининг ҳарбий ташкилоти»га мансуб бўлишда айбланган ўн офицер ва икки гражданнинг ишини кўрган биринчи инстанция ҳарбий суд кеча айбдорларнинг ҳаммасини ўлим жазосига ҳукм қилди. Ҳукм қилинган кишилар биринчи инстанция ҳарбий суднинг ҳукми тўғрисида юқори инстанция судига шикоят топширдилар.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг VIII спартакиадаси

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон VIII спартакиадаси тамом бўлди. 8 октябрьда сўнгги мусобақалар бўлди. Ўзбекистон ССР спортчилари энг яхши натижаларга эришдилар. Улар футбол, волейбол, спорт гимнастикаси, спортнинг ҳозирги беш тури бўйича, сув полоси, шахмат ва хотин-қизлар командалари ўртасида баскетбол бўйича биринчиликни олдилар. Қозоғистон спортчилари бокс бўйича ва эркаклар командалари ўртасида баскетбол бўйича энг яхши натижаларга эришдилар.

Спорт мастери В. Хримпач (Ўзбекистон ССР) спорт гимнастикаси юзасидан жуда яхши натижага эришди. У мажбурий ва эркин программа бўйича 111,45 балл олди ва шахсий биринчиликда энг яхши натижаларга эришди. Спорт мастери А. Марков (Ўзбекистон) иккинчи ўринга чиқди. Қозоғистон вакили В. Осадченко учинчи ўринни эгаллади. Спортнинг ҳозирги беш тури бўйича шахсий биринчиликда Ўзбекистон спортчиси О. Чувилин ғалаба қозонди.

8 октябрь кечқурун Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрида спартакиаданинг ёпилишига бағишланган кеча бўлди. Тамоша залида спартакиада қатнашчилари, республика пойтахти физкультура жамоатчилигининг вакиллари тўпландилар.

Шест блан планкадан сакрашда И. Чувилин 4 метр 10 сантиметр натижага эришиб, республика рекордини кўйди. **Суратда: И. Чувилин** шест ёрдамида планкадан сакрамоқда.

Г. Гарамов фотоси.

VIII спартакиаданинг якунлари тўғрисида спартакиада бош судьяси С. Аксельрод ахборот берди. У бундай деди:

— Бешта қардош республика ўртасидаги спорт мусобақалари Ўрта Осиё ва Қозоғистон физкультурачиларининг ўз маҳоратларини анча оширганликларини ва яхши натижаларга эришганликларини кўрсатди. Спортнинг хилма-хил турлари бўйича ўтган қизғин кураш буни яққол кўрсатиб турибди. Мусобақалар вақтида 108 та республика рекорди қўйилди.

Спартакиада олдидан бўлиб ўтган район, шаҳар, область, сўнгра республика мусобақаларида анчагина ёш, талантли спортчилар аниқланди. Бу ёш спортчилардан кўплари спартакиада кунларида яхши натижаларга эришдилар.

— Спортчиларимиз мусобақалар вақтида юксак маданият кўрсатдилар, — деди ўртоқ Аксельрод, — бу бизларни қувонтиради. Қардош республикаларнинг мусобақаларда қатнашган кўпчилик спортчилари мўлжалланган мақсадга эришишда кўп сабот ва ғайрат кўрсатдилар.

Сўнгра докладчи та'кидлаб ўтдики, агар спорт коллективларининг ба'зи раҳбарлари ва спортчилар ўз имкониятларидан правардигача тўла фойдаланганларида эди, спартакиада янада каттароқ муваффақиятларга эришган бўлур эди. Масалан, мусобақаларда югуриш ва диск, найза, молот иргитиш, енгил атлетика, сузиш юзасидан ва спортнинг бошқа турлари бўйича эришилган натижаларни ғунчалик яхши деб айтиб бўлмайди.

Ўртоқ Аксельрод Ўрта Осиё ва Қозоғистон спортчиларига эришилган муваффақиятлар блан қаноатланиб қолмасдан, келгуси спартакиадада янада яхшироқ натижаларга эришиш учун ўз маҳоратларини оширишни тилади.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети раисининг ўринбосари Ўртоқ А. Кривцев спартакиада ғолибларига мукофотлар топширади. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали диплом спартакиадада биринчи ўринни олган Ўзбекистон ССР спортчилари терма коллективига йиғилиш қатнашчиларининг давомли қарсаклари остида топширилди. Комитетнинг иккинчи даражали дипломи иккинчи ўринни эгаллаган Қозоғистон спортчилари коллективига топширилди. Учинчи даражали диплом блан Қирғизистон ССР спорт делегацияси мукофотланди. Тўртинчи ўринни Тожикистон терма коллективи, бешинчи ўринни Туркманистон спортчилари олдилар. Сўнгра спартакиада программасида кўзда тутилган спорт турлари бўйича биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган республика командаларига дипломлар топширилди.



Енгил вазн бўйича оғирликни кўтариш мусобақасида СССР спорт мастери Г. Кузнецов (Ўзбекистон ССР) биринчиликни олди. **Суратда: Г. Кузнецов** штанга кўтармоқда.

Б. Мазур фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Совет Иттифоқи Гимни садолари тантанали янграйди. Ўзбекистоннинг энг яхши спортчилари Т. Исмоилов, А. Минина, В. Тушков, Ф. Ҳасановалар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон VIII традицион спартакиадасининг театр саҳнасига ўрнатилган байроғини аста-секин туширадилар. (ЎзТАГ).

Франция студентлари делегацияси Тошкентга келди

Совет ёшлари Антифашист комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқига келган Франция студентлари Миллий Союзи делегацияси а'золарининг бир группаси 9 октябрьда Тошкентга келди.

Аэродромда меҳмонларни комсомол раҳбар ходимлари, шаҳар студентлари жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун кундузи Тошкент областида ҳаво булутланиб туради. Ба'зи жойларда бироз ёмғир ёғиб ўтиши кутилади. Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғмайди. Температура 23—25 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/X да кундуз **Ҳамза**, кечқурун **Гамлет**, 12/X да **Юрак сирлари**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **катта цирк тамошалари**. Аттракцион — **«Ўргатилган ҳинд филлари»**. Ўргатучи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Корнилов**. Бугун **3 марта тамоша**: кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги ҳинд бадиий фильми **Дайди** (2-нчи серия).

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Дайди** (2-нчи серия).

ПУШКИН номли — **Сиз блан қанда-дир учрашган эдик.**

„Тошкент ҳақиқати"
ва
„Ташкентская правда"
ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
ноябрь ойи учун ва 1954 йилнинг охиригача
обуна қабул қилиш давом этмоқда
Айрим кишилардан обуна муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек почта ва «Союзпечать» бўлимларида қабул қилинади.

Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-нчи уйда туручи **Игнатий Семёнович Биковнинг** Стрелковий переулок, 3-нчи уйда туручи Евдокия Васильева Биковадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими—136, Пропаганда бўлими—157, Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва san'at бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат—34048, Э'лонлар бўлими—38142

Р 08708. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1483.